Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 183 (8. 381) ◆ 1993 йил ◆ 14 октябрь, пайшанба ◆ Сотувда эркин нархда

ВАТАН, ЭЛ МАНФААТИ— МУҚАДДАСДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Аввало, фурсатдан фойдаланиб, сиз депутатларга ва сиз орқали Сирдарё вилоятининг барча меҳнаткашларига эзгу ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этмоқчиман. Шу кунларда сизлар ҳам мустақил республикамизнинг барча меҳнаткашлари каби ғоят мураккаб келган хўжалик йилининг сарҳисобини қилмоқдасиз. Сирдарё вилояти меҳнаткашларининг бағри унинг бепоён замини каби кенг, очиқ ва саховатлидир. Бу ерда ҳар бир мисқол ҳосил нақадар катта меҳнат ва мустаҳкам ирода, ақл ва идрок, сабот ва матонат эвазига етиштирилишини ҳаммамиз яхши биламиз.

Жонажон Ўзбекистонимизнинг бугуни ҳамда эртаси ҳақидаги аниқ ва қатъий йўлимизни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқимда яна бир марта баён этганимдан хабарингиз бор. Ўшанда таъкидлаганимдек, биз аниқ тарихий вазиятга, ўзбек халқининг руҳияти ва анъаналарига асосланиб, ўз ислоҳотларимизнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқдик ва бу йўлда дастлабки самарали қадамлар қўйилди. Ана шу эзгу ниятларни амалга ошириш юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг, айниқса зиммасига масъулият юклатилган ҳар бир каттакичик раҳбарнинг муқаддас бурчидир. Шу билан бирга, ҳар биримизнинг Ўзбекистоннинг келажаги йўлидаги фидойилигимизни, ватанпарварлигимизни, имон ва инсофимизни қаттиқ синовдан ўтказадиган тарихий давр келди.

Албатта, Россияда рўй бераётган воқеалар ҳаммамизни ташвишга солмоқда. Чунки уларнинг бизга бевосита таъсири бор. Бу фожиали воқеаларнинг асосий сабаби, илдизи нимада?

Шўро салтанати парчаланиб кетгач, ҳамма мустақил республикалар каби, Россия ҳам ўзига хос тараққиёт йўлини танлаб олди. Менимча, ана шу йўл танлашда, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда шошма-шошарлик қилинди. Ҳам сиёсатда, ҳам иқтисодда, ҳам маънавиятда одамларнинг руҳияти, дунёқарашига мос йўл танланмади. Бировларнинг гапига кириб, «шок терапияси» деб, ислоҳотлар сунъий равишда тезлаштирилди. Баъзи ижтимоий табақаларнинг эътиқоди назарга олинмади, тарихи оёқости қилинди. Одамларнинг турмуш даражаси пасайиб кетди. Натижада одамлар ўртасида зиддият, жамиятда бўлиниш рўй берди. Ҳокимият талашиш, одамларнинг бошини айлантириб ўзига қаратиш бошланди.

Бошқа давлатни, у амалга ошираётган ишларни танқид қилиш нотўғри. Лекин, нима бўлсаям, одамлар озор чекмаслиги, қон тўкилмаслиги керак. Мен Борис Ельцин, Виктор Черномирдин билан телефон орқали суҳбатда ҳам уларга шу гапларни айтдим. Ўзбекистон халқи сизларга, Россия халқига фақат тинчлик тилайди, сизда тинчлик бўлса, бизда ҳам осойишталик бўлади, дедим.

Бизда қўшнинг тинч — сен тинч, деган мақол бор. Тожикистон ҳақида доимо жон куйдириб гапиришимизнинг сабабини ҳам шундай тушунмоқ керак.

Аввал одамларнинг қорнини тўқ, устини бут қилайлик. Аввал иқтисод, кейин сиёсат деганларидек, оч одам мусиқани ҳам қорни билан эшитади. Қулоғига гап кирмайди. Ахир, ислоҳотлардан мақсад одамларнинг ҳаётини яхшилаш эмасми? Бошқа гаплар кейин бўлаверади. Хулоса шуки, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишда биз ишлаб чиққан биринчи, асосий тамойилда кўзда тутилганидек, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Сирдарё вилоятида аҳвол, одамларнинг кайфияти қандай? Афсуски, қониқарли эмас.

Қадрли дўстлар!

Бугунги сессия кун тартибига қўйилган масала, назаримда, ҳаммага бир қадар маълум бўлса керак.

Қисқаси, Сирдарё вилоятидаги вазият ҳаммамизни, аввало Президент сифатида мени ташвишга солмоқда. Вилоятда кейинги пайтларда ижтимоий-иқтисодий масалаларга раҳбарлик бўшаштириб юборилди. Бу эса вазиятнинг мураккаблашувига, жойлардаги маънавий-руҳий муҳитнинг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Камчиликлар, йўл қўйилаётган нуқсонлар ҳақида гапирар эканмиз, биринчи навбатда режалар бажарилиши, ишлаб чиқаришнинг аҳволи, одамларнинг таъминоти, кайфияти, кун кечириши, хавфсизлигини таъминлаш масалаларига, умуман, Сирдарё вилоятида раҳбарлик ишлари қандай бораётганига эътибор бермоқ зарур. Сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётимизга ислоҳотлар татбиқ этилаётгани, мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар, фармонлар қай даражада бажарилаётганини ҳисобга олиб, вазиятни баҳолашимиз лозим.

Вилоятдаги ижтимоий аҳвол, ишни ташкил қилиш, олдимизда турган муаммоларни, вазифаларни ҳал этиш йўлида халқни, меҳнаткашларимизни бирлаштириш, жипслаштириш, уларга аниқ йўл кўрсатиш, бошчилик қилиш масалалари атрофлича ўрганилди, тегишли текширишлар, суҳбатлар ўтказилди. Кўпчилик ноиблар, раҳбарлар, ишчилар, фахрийларнинг, умуман айтганда шу эл-юрт жонкуярларининг хулосаси шуки — вилоятдаги бугунги аҳвол қониқарли эмас.

Вилоятда ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб бормоқда. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ўтган йили 1991 йилга нисбатан 92,3 фоизга уддаланган бўлса, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 1992 йилнинг шу давридагига нисбатан 90,5 фоизга бажарилган, холос.

Айниқса, шаҳар ва туманларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни назорат қилиш эътибордан четда қолган.

Чет эл фирмалари билан қўшма корхоналар ташкил қилишдек замон талабига вилоятда етарли эътибор берилмаётир. Ҳозир рўйхатдан

ўтган 5 та қўшма корхонадан атиги 2 таси фаолият кўрсатяпти. 493 та кичик корхонадан 52 таси, 47 та ширкатдан 12 тасидагина халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу тизимда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар умумий халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмининг ҳаммаси бўлиб 5 фоизини ташкил этади, холос.

Бозор иқтисодиётига ўтишда мулкни хусусийлаштириш, давлат тасарруфидан чиқаришнинг аҳамиятини бир қанча туман ҳокимлари унутиб қўйган. Бунга керагича мисоллар келтириш мумкин.

Капитал қурилиш соҳасида бирмунча ишлар қилинганига қарамай, уй-жойларни фойдаланишга топшириш, янги уй-жойлар қуришни режалаштириш ўта суст амалга оширилмоқда.

Аҳолининг аҳволини ҳисобга олсак, бугунги энг долзарб масалалардан бири — халқни ичимлик суви ва газ билан таъминлашдир. Афсуски, бу соҳада қилинаётган ишлар ҳам ҳеч кимни қониқтиролмайди — режа атиги 50 фоиздан зиёдроқ қилиб бажарилган, холос. Кўпгина туманларда эса аҳолини марказлаштирилган ичимлик суви билан таъминлаш бор-йўғи 22—50 фоизга уддаланган.

Аҳолини иш билан таъминлаш борасида ташкилотчилик, ташаббускорлик сезилмаётир. Жойларда тузилган меҳнат биржалари аксарият ҳолларда зиммаларига юкланган вазифаларни бажармаяпти. Ўтган давр мобайнида улар 875 нафар кишини ишга жойлаштирган, холос. Ваҳоланки, рўйхатга олинган 17 минг нафар ишсизга йил охирига бориб яна 2 минг киши қўшилиши кўзда тутилмоқда. Айни вақтда ташкилот, корхона ва хўжаликларда 1200 иш жойи бўш тургани меҳнат биржалари ва раҳбарлар эътиборидан четда қолаётганига нима дейсиз?! Ахир, одамларни иш билан таъминлаш, даромад олиши, турмуш даражасини яхшилаш учун қайғуриш бозор иқтисодиётига ўтилаётган пайтда муҳим аҳамият касб этишини раҳбарлар наҳотки тушунмаса?

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам аҳвол яхши эмаслиги кўзга ташланади. Деҳқончилик саноати уюшмаси хўжаликлари ўтган йили қониқарсиз ишлагани сабабли уларнинг молиявий кўрсаткичлари жуда паст бўлди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга сотиш режалари 12 асосий турдаги маҳсулотдан 6 таси, яъни 50 фоизи бўйича бажарилмай қолган. Асосий даромад манбаи бўлган пахта 93,7, сабзавот 94,4, узум 76,4, сут 92,8 тухум 72,5, асал 16,4 фоизга бажарилди.

Бунинг асосий сабаби суғориладиган майдонлардан фойдаланиш даражаси пасайиб кетгани ва агросаноат бирлашмасидаги **ходимларнинг масъулиятсизлиги, ихтисоси бўйича билими пастлиги, нотўғри танланганидир.**

Ўтган йили чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш борасидаги ишлар ҳам талаб даражасида бўлмади. Чорвачилик маҳсулотларини **ишлаб чиқариш режаси бironта турдаги маҳсулот бўйича бажарилмади. Натижада чорва маҳсулотларини сотишдан 160 миллион сўм зарар кўрилди.**

Шу йилнинг 9 ойи мобайнида қилинган ишлар натижаси шуни кўрсатадики, вилоят ҳокимлигидаги деҳқончилик мажмуига масъул раҳбарлар ҳамда шу соҳада меҳнат қилаётган ходимлар ўтган йилги йўл қўйилган камчиликлардан тегишли хулоса чиқармаган.

Чорва молларининг бош сонини кўпайтиришга етарлича аҳамият берилмаганлиги натижасида шу йилнинг ўтган даври мобайнида барча турдаги молларнинг сони ўтган йилга нисбатан камайтириб юборилди. Шунингдек, давлатга ўтган йилдагига нисбатан 3 минг тонна сут кам сотилди.

Халқимизнинг ризқ-рўзи, асосий даромад манбаи бўлмиш пахтачиликдаги бугунги аҳвол ҳаммаларингга маълум. Мен кўп йиллар мобайнида республикада пахта етиштириш аҳволини кузатиб келаман. Лекин Сирдарё вилояти ҳеч қачон бу йилгидек оқсамаган, пахта тайёрлашда энг орқада қолмаган эди. Бу нима дегани ўзи? Сирдарё деҳқонлари, миришкорлари ҳар доим бошқалар учун ўрнак эди-ку! Мана шу чўлларни ўзлаштирган, обод қилган одамлар қани? Сирдарёликларнинг бошқалардан нима камчилиги бор? Бу юртда жонкуярлар йўқми? Бор! Фақат уларнинг бошини қовуштириш, бир мақсад сари йўналтириш йўқ. Уларнинг меҳнатини қадрлаш, рози қилиш йўқ. Юзингизга айтаман, сизлар меҳнатда тобланган одамларсиз. Бундай заҳматкаш, сабр-қаноатли халқни топиш қийин. Лекин кейинги йилларда қандай янгилик, қандай ташаббус билан чиқдинглар?

Режадаги пахтанинг маълум миқдори ва ортиғини хўжаликлар ихтиёрида қолдириш тўғрисидаги фармонни бажаришда ҳам жуда катта камчиликларга йўл қўйилган. Бундан кўп ҳолларда қўли эгри, **ноинсоф, қишлоқ хўжалигига умуман алоқаси бўлмаган кимсалар мўмай пул ишлаш учун фойдаланган.**

Қачонгача бойликни деҳқон яратиб, фойдасини бошқалар кўради? Нега уларга жазо бермаймиз? Бунинг сабабини биламиз, кейин айтаман.

Бундан ташқари, вилоят агросаноат уюшмасига қарашли хўжаликларда камомад, ўринсиз ҳаражатлар ва талон-торожчилик ҳолларини бартараф этиш бўйича кўриладиган тадбирлар ҳам қониқарли эмас. 1993 йилнинг 9 ойи мобайнида камомадлар акс этган 38 та тафтиш ҳужжатлари прокуратура ва ички ишлар идораларига берилган бўлса-да, **ҳанузгача кўриб чиқилмаган.** Бунга сабаб нима!

Жиноят жазосиз қолиши оқибатида хўжаликларда мулкни талон-торож қилиш ҳамда четга рухсатномасиз маҳсулот олиб чиқиб кетиш ҳоллари такрорланмоқда.

Республика раҳбариятининг аҳолини дон ва ёнилғи маҳсулотлари билан таъминлаш борасида қилаётган ишига тўсиқлар қўйиляпти.

Дон маҳсулотлари республикамизга валюта ҳисобига олиб келиниб турган бир вақтда туман ҳокимларининг кўрсатмасига асосан 1000 тонна буғдой чорва молларига озуқа ҳисобида бериб юборилган. Бунинг тагида жиноят борлиги ҳаммамизга аниқ бўлиши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Республика чорвачилигида иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини бажариш юзасидан қилинаётган ишлар талаб даражасида эмас. Бугунгача 10 та хусусийлаштирилган фермада гўшт ва сут етиштириш режаси бажарилмаган.

Хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларнинг айби билан вилоятда иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда ички механизмларнинг ишлаб кетиши қийин бўлмоқда. Хўжаликларда мулкка бўлган муносабат деярли ўзгармаяпти.

Бугунги кунда вилоятда 650 фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётир. Булардан 455 тасига 15 минг ўрнига 3 минг гектаргина ер ажратилган. 200 фермерга эса умуман ер берилмаган. Буни қандай тушунмоқ керак?

Аҳолининг соғлиғини сақлаш, улар ҳақида ғамхўрлик қилиш давр талабларига тўла жавоб бермайди. Вилоятда оналар ва болалар ўлимининг олдини олиш учун барча имкониятлар ишга солиняпти деб айта олмаймиз.

Халқ таълими ва мактабгача тарбия муассасалари ишидаги жиддий камчиликлар бартараф этилмаётир. Мактаб, ҳунар-техника билим юртлари ва мактабгача тарбия муассасаларида таълим-тарбия бериш шу тизимга қўйилган талабларга жавоб бермайди. **Ўқитиш ҳамон эскича.** Умумий таълим мактабларида 100 дан ортиқ фан ўқитувчилари етишмайди.

Халқ таълими соҳасида Президент Фармонларининг бажарилиши талаб даражасида эмас. Уй-жойларни хусусийлаштириш учун ариза берган 5344 ўқитувчидан кўпининг илтимоси қондирилмаган. Нега келажак авлодни тарбиялайдиган, унга билим берадиган ўқитувчига бундай муносабатда бўлаяпмиз? Бу фармонни чиқарганимизга неча йил бўлди? Бунга ким жавоб беради?

Биринчи—бешинчи синф ўқувчиларига бепул нонушта бериш ҳам қониқарсиз аҳволда. Уларга кўп ҳолларда фақат чой ва нон берилмоқда. 1993 йилнинг биринчи ярим йиллигида боғчада тарбияланувчиларга тегишли маҳсулотларнинг атиги 30—50 фоизи берилган. Бунга нима деса бўлади? Бунинг ҳаммасига сабаб ўғрилик, юлғичлик эмасми? Нега шундай одамларнинг башарасини очиб ташламаяпмиз? Мактабларни қишки мавсумга тайёрлаш ишлари ҳам қониқарсиз экани нега ҳеч кимни ташвишга солмайди?

«Сирдарёсавдо» концернига қарашли ташкилот ва савдо шохобчаларида савдони ташкил қилиш, аҳолини белгиланган миқдордаги моллар билан таъминлашда жуда кўп хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. Натижада ажратилган озиқ-овқат ва саноат моллари аҳолига етарли миқдорда етказиб берилмаяпти.

(Давоми 2-бетда).

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Қамаши тумани пахтакорлари Қашқадарё вилоятида биринчи, Ўзбекистонда иккинчи бўлиб, йиллик режани адо этдилар. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов туман пахтакорларини бу улкан меҳнат ғалабаси билан самимий қутлади.

● Республика пахтакорларининг уйган хирмонлари 2 миллион тоннадан ошиб кетди.

● Кеча жаноб Уильям Райри бошчилигидаги Халқаро молия корпорацияси делегацияси аъзолари Ўзбекистонга келди.

● Тошкентда Марказий Осиё республикалари ижтимоий таъминот вазирларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда бу давлатларда амалга оширилаётган ижтимоий дастурлар, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сиёсатини турмушга жорий қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида фикр алмашилинди.

● Ўзбекистон ва Марокаш қироллиги дипломатия муносабатлари ўрнатишга аҳдлашдилар. Бу ҳақдаги ҳужжатларни Ўзбекистоннинг Россиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси Юсуф Абдуллаев ва Марокаш қиролининг Россиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси Абдусалом Зенидед Москвада имзоладилар.

● Кеча Миср Араб Республикасининг энг нуфузли университетларида таҳсил оладиган 90 нафарга яқин ёш ҳамюртимиз Тошкентдан Қоҳирага учиб кетишди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

● 16 октябрь куни Москвада Россия Федерацияси Асосий Қонуни лойиҳаси устида олиб борилаётган ишни ниҳоясига етказиш учун Конституциявий кенгашнинг ялпи мажлиси бошланади.

● Украина парламентига муддатидан илгари сайловлар 1994 йилнинг 27 мартига, Президент сайловлари эса 26 июнига белгиланди.

● Туркманистон мудофаа вазири Данатар Копеков қатор оммавий ахборот воситаларининг 11 октябрь куни Туркманистон ҳудудига Афғонистон ҳарбий ҳаво кучлари томонидан бомба зарбаси берилганлиги тўғрисидаги хабарларини қатъиян рад этди.

● 10 октябрь куни Арманистон қўшинлари Россия воситачилигида келишилган ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги аҳдлашувларни бузиб, фронтнинг жанубий участкасида ҳужумга ўтдилар. Улар бир неча қишлоқни қўлга олганларидан сўнг бевосита Эрон чегарасига яқинлашиб қолдилар.

● Эдуард Шеварднадзе Грузия Ҳамдўстликка киргандан сўнг Россиядан қурол-яроғ олганлиги ва яқин вақт ичида мамлакат ғарбида бир неча шаҳарларни эгаллаган собиқ президент Звиад Гамсахурдиа тарафдорларидан иборат ҳарбий бўлинмаларга қақшатқич зарба берилишини айтди.

ХОРИЖДА

● Германия ягона Европага аъзо бўлишга қарор қилди. Шундай қилиб 1993 йил 1 ноябрдан бошлаб 12 давлат ҳудудларида моллар, сармоялар, фуқаролар бирон-бир тўсиқсиз ҳаракат қиладиган ягона Европа шаклланади.

● Югославия иқтисодиёти жар ёқасига келиб қолди. Тахминларга кўра бу йил мамлакат ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳажми 1989 йил эришилган даражанинг атиги 30 фоизига тенг бўлади.

● Брюсселда Европа парламентининг навбатдаги сессияси иш бошлади. Унда Россиядаги вазият ҳам муҳокама этилиши мўлжалланмоқда.

● Германия канцлери Гельмут Коль яқин келажакда Польша, Венгрия, Чехия ва Словакия НАТОга аъзо қилиб олиниши керак деб баёнот берди.

● Россия Президенти Борис Ельциннинг Японияга ташрифи ниҳоясига етди. Бунинг натижасида Россия — Япон муносабатлари Токио декларацияси ва яна 18 ҳужжат имзоланди.

● Хитой ташқи ишлар вазирлигининг расмий баёнотига кўра Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев октябрь ойи охирларида Пекинга расмий ташриф билан боради.

● Яқиндаги сайловларда ғолиб чиққан Умумгрек социалистик партиясининг раҳбари А. Папандреу томонидан тузилган ҳукумат қасамёд қилди.

● АҚШ Президенти Билл Клинтон Гаитининг қонуний сайланган президенти Жан-Бертран Аристид мамлакатга ҳарбийлар томонидан киритилмаётганлиги сабабли бу давлат халқаро ҳамжамиятнинг иқтисодий жазо чораларини қўллашни қатъий талаб этди.

● Лондонда Гарри Каспаров билан Найжел Шорт ўртасида жаҳон биринчилиги учун ўтказилаётган беллашувда жаҳон чемпиони 16-учрашувда илк бор мағлубият аламини тортди. Шундай қилиб ҳисоб 10,5:5,5 бўлди.

«ОҚШОМ» НИНГ 1994 ЙИЛГИ ИЛК ОБУНАЧИСИ

КУНДАЛИК иш вақтимиз тугаш арафасида эди. Хонамизга ташриф буюрган меҳмон ўзини Қарши туманидан келганини ва «Оқшом» ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини баён этиш истагини айтдилар.

— Исмим Неъматжон, фамилиям Дўстматов. Қарши тумани Давлат суғурта идорасининг ходими бўлиб ишлайман. Иш юзасидан келган эдим, газеталарингизнинг ўтган ҳафтада чоп этилган айрим сонларини ўқий олмагандим. Шулар билан танишиб чиқсам ҳамда ўз истакларимни ҳам айтиб кетмоқчиман, — деди Неъмат ака.

Уларнинг илтимосларини бажо келтирдик. Ўтган ҳафтада ўқий олмаган «Оқшом» сонларини бафуржа кўриб чиқдилар-да сўз бошладилар:

— Газетангизни жуда севиб ўқиймиз. Унда берилаётган ҳар бир соҳага оид материаллар, айниқса «Жиноят ва жазо», милиция ишлари ва яна яқиндан бошлаб берилаётган «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз» рукни остидаги материалларингизни ўқиб, уларда номлари қайд этилган корхона ва ташкилотларнинг тажрибаларидан анча баҳраманд бўлиш мумкин. Шунингдек «Кулгихона» саҳифасида болалар тилидан кулгили гапларни жамлаб бериб борсаларингиз ундан фарзандларимиз ҳам баҳраманд бўлишади. Газетанинг чиқиш машаққатини биламан. Шунинг учун бизнинг қўлимиздан келадиган ёрдам — ҳеч бўлмаса олти ойга обуна бўлиш деб билдим. Бошқаларни ҳам пойтахтимизда чоп этиладиган ва ҳафтада 5 марта чиқадиган «Тошкент оқшоми»га обуна бўлишларини истайман...

Неъматжон ака барча истакларини айтиб, хайрлашиб чиқиб кетдилар. Уларнинг дил сўзларини эшитиб, мамнун бўлдик.

Гулзода АБДУЛЛА қизи.

Азиз муштарийлар! Яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз. Шу кунларда «Тошкент оқшоми» газетасига 1994 йил учун обуна давом этмоқда. Унга республикамиздаги барча вилоят ва шаҳарлардаги алоқа бўлимларида бирор чеклашларсиз бир йўла 1994 йилга, ярим йилга ёки бир неча ойга ёзилиш мумкин.

«Тошкент оқшоми» учун бир йиллик обуна баҳоси 22 минг 620 сўм, ярим йилга эса 11 минг 310 сўм. Газета индекси — 64690.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ БИРЛИКЛАР, АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ, КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ФИЗИК-ЖУҒРОФИЙ, ГЕОЛОГИК ВА БОШҚА ТОПОНИМИК ОБЪЕКТЛАРНИНГ НОМЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, физик-жуғрофий, геологик ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш, шунингдек Ўзбекистон халқларининг тарихи ва анъаналари билан боғлиқ топонимлар муҳофаза қилинишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилишига доир масалаларини ҳал қилиш тартиби тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, физик-жуғрофий, геологик ва бошқа топонимик объектларга ном бериш ҳамда уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).

2. Вазирлар Маҳкамаси топонимик объектларга машҳур кишиларнинг номини бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси тузсин ҳамда ушбу комиссия тўғрисида Низом ишлаб чиқсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 3 сентябрь.

(«Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, физик-жуғрофий, геологик ва бошқа топонимик объектларга ном бериш ҳамда уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида Низом»ни газетанинг 2-бетида ўқийсиз).

АЛЛОМА ЮБИЛЕЙИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Республика Вазирлар Маҳкамасида буюк аллома Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллик юбилейини тайёрлаш ва ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, ташкилий қўмита раиси Абдулҳошим Муталов бошқарди.

Мажлисда ташкилий қўмитанинг шу йил 2 июлдаги йиғилишида қабул қилинган қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Буюк олим Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейини ўтказиш тўғрисида»ги қарорининг Самарқанд вилояти ҳокимлиги ва республика Маданият ишлари вазирлигида қандай бажарилаётгани муҳокама қилинди. Шунингдек, аллома ҳаёти ва фаолияти ҳақида бадиий фильм яратиш борасидаги ишлар кўриб чиқилди. Мирзо Улуғбек юбилейини кенг нишонлаш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг тадбирлари тасдиқланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев қатнашди.

(ЎзА).

ВАТАН, ЭЛ МАНФААТИ — МУҚАДДАСДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Савдо дўконлари пештахталарида озиқ-овқат маҳсулотлари йўқ ҳисоби. Бу соҳа бўйича хусусийлаштириш хўжакўрсинга, аксарият ҳолларда кўябўямачилик билан ўтказилмоқда. Ваҳоланки, хусусийлаштиришдан туб мақсад — маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўлмоғи лозим.

Лекин савдодаги раҳбарлар шалоғи чиққан битта газ-сув дўкончасини кимгадир бериб, уни хусусийлаштириш рўйхатига киритиб, кўкракларига уриб юрибди. Бунинг ҳаммаси кўзбўямачиликдан бошқа нарса эмас.

Меъёрланган озиқ-овқат маҳсулотларини аҳолига етказиб беришда ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйиляпти. Аҳолини белгиланган меъёрдаги маҳсулотлар билан таъминлаш, сифатига эътибор бериш, назорат қилиш ёмон аҳволда.

Савдодаги тартибсизликлар камаймаяпти. **Харидорлар ҳақига хиёнат қилиш, ноёб молларни яшириб сотиш ҳолларининг олди олинмаяпти. Харидорлар ҳақидан уриб қолиб, чўнтагини мўмай пул билан тўлдираётганларга нисбатан кескин чоралар кўрилмаяпти.**

Сирдарё халқига ажратилган моллар, жумладан, озиқ-овқат молларининг кўп қисми Тожикистоннинг Ленинобод вилоятига олиб бориб сотиляпти. Мошин-мошин маҳсулот четга чиқиб кетяпти. Буни оддий одамлар кўриб, билиб турибди. Божхона ходимларининг кўзи кўрми? Буни кўпчилик раҳбарлар ҳам, маъмурий орган ходимлари ҳам билади. Лекин чора кўрмайди. Нима учун десангиз, тили қисиқ, ўзлари муттаҳам. Одамларнинг ишончидан қолган, бировнинг юзига қарай олмайди.

Бюджет маблағларининг ўта танқислиги шароитида вилоятда зарур бўлмаган ҳаражатларни камайтириш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмаган. Бунинг устига бюджетда кўзда тутилмаган тадбирлар учун кўплаб маблағлар ажратилган.

Айрим ташкилотларнинг раҳбар ходимлари айби билан бюджет ҳисобидан товон пулларини олишда кўплаб қўшиб ёзиш ҳоллари рўй бермоқда.

Ташкилот, муассаса ва корхоналарда давлат маблағларидан фойдаланишда кўпол молиявий хатоларга, кўплаб талон-торож қилишлар, ғайриқонуний сарф-ҳаражатлар, асоссиз тўловларга йўл қўйилган.

Шу йилнинг 9 ойи мобайнида тафтиш ва текширувдан ўтказилган 303 ташкилот ва муассасанинг 231 тасида, **яъни 80 фоизида ғайриқонуний ҳаражатлар, камомад ва ўғриликларга йўл қўйилгани аниқланди. Буни қандай баҳолаш мумкин? Тартиб-интизом борми ўзи?**

Айтиб ўтилган камчиликлар бошқарма, муассаса ва ташкилотлар фаолияти устидан назоратнинг сусайтириб юборилгани; назорат-тафтиш бўлимларидан ахборот ва маълумотлар талаб қилиб олинмагани **ҳамда кадрларни танлашда кўпол хатоларга йўл қўйилгани оқибатида содир бўлган.**

Зарар кўриб ишлайдиган корхона ва ташкилотлар ҳамон кўплигича қолмоқда. Шу йилнинг 1 сентябригача бўлган маълумотга кўра, 331 корхонанинг 38 таси молия-хўжалик фаолиятини 568 миллион сўм зарар билан якунлаган.

Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 788 ташкилотда солиқ бўйича қонунчилик бузилган. Қайта назорат қилиш натижасида давлат бюджетига 517 миллион 415 сўм қўшимча кирим қилинди. Бу ташкилот раҳбарлари чўнтакни қаппайтиргунча, давлат билан ҳисоб-китобни тўғрилаб қўйса бўлмайдими? Эртага пенсия, нафақаларни, ўқитувчи ва шифокорларга маошни нима ҳисобидан тўлаймиз? Бу давлатни алдаш эмасми?

Ҳурматли депутатлар!

Йилнинг бошида республикамизда жиноятчиликка қарши кескин кураш бошланганидан хабарингиз бор. **Вақтида кўрилган бу тадбирни халқимиз қўллаб-қувватлади ва енгил нафас олди.** Аммо Сирдарё вилоятида жамоат тартибини сақлаш ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, жиноятчиликнинг олдини олиш соҳаларида маъмурий, ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти талаб даражасида эмас. **Соҳа ходимлари ўртасида лоқайдлик, бефарқлик ва маънавий ўпирилиш иллати илдиз отган ҳоллар мавжуд.** Сўнгги йилларда вилоятда жиноятчилик, шу жумладан оғир жиноятлар сонининг ошиб бораётгани ғоят ташвишланарлидир. Масалан, қотилик 1993 йилнинг 9 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, республикада 19 фоиз камайгани ҳолда, вилоятда 37 фоиз ўсган.

Жиноятчиликнинг ўсиши маъмурий, ҳуқуқ-тартибот идораларининг суст ишлашига, вазиятни тўғри баҳолай билмасликларига ҳам боғлиқдир. Кўпгина жиноий ишлар судгача етиб бормай, жиноят содир этганлар жазога тортилмасдан қолмоқда.

1993 йилнинг 9 ойи мобайнида 1693 жиноят қайд этилган бўлиб, шундан 415 таси фош этилмай қолган. Рўйхатга олинган 52 та қотилликдан фақат 25 таси судда кўрилган, холос. Фуқаролар мулкини ўғирлаган 600 жиноятчидан фақат 351 нафаригина жазога тортилган.

Тергов ва суд идораларида оғир жиноятларни содир этганларга нисбатан асоссиз равишда енгиллик бериш ҳоллари кўп учрамоқда. Айрим инсофсиз ва диёнатсиз судяларнинг «марҳамати» туфайли жиноятчилар қонуний жазодан қутилиб кетмоқда.

Халқ нонини туя қилаётганларга нисбатан кескин чоралар кўрилмаяпти. Зиммасига юклатилган вазифани бажармаса бу идораларнинг нима кераги бор? Порахўрлик учунми? Оддий фуқарони ҳимоя қилиш учун эмасми? Табиий савол туғилади: милиция ўз бурчини бажармаса, божхона ходимлари порахўр бўлса, прокурор заиф, ўйинчи бўлса, ҳокимларнинг қулоғи кар, кўзи кўр бўлса, оддий фуқаро кимга боради? Уни ким ҳимоя қилади? Унинг ғамини, ташвишини ким чекади? Қани адолат, қани ҳақиқат? Шу ишни бажармаса елкасига погон таққанлар нега керак? Нима учун уларга отнинг калласидек ойлик бериб қўйибмиз? Нима учун шунча шароит яратиб бердик? Одамларни ҳимоя қилиш учун эмасми?

Оддий одамлар, халқ ана шу воқеаларни, қинғирликларни кўради-да, унда ҳаммаси қуруқ гап, адолат йўқ, бўлмаган ва бўлмайди ҳам деган фикр туғилади. Энг ёмони шунда.

Ахир, одамларга яқин бўлишимиз, муаммоларни ҳал этиб беришимиз керак эмасми? Улар бизга ишониб, бизни шунинг учун сайлаган эмасми?

Вилоят ҳокимлиги жамоат ташкилотлари, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган фаоллар билан ҳамкорликда, уларнинг фаолиятларини мувофиқлаштириб, маслаҳатига қулоқ тутиб ишлашни ташкил қилолмаса, албатта. шу юртда аҳиллик бўлмайди, иш ҳам юришмайди.

Оммавий ахборот воситаларида вилоятда амалга оширилаётган ишлар ўз аксини топмаётир, уларга раҳбарлик эса бўшаштириб юборилган. Истиқлол мафкурасини ҳаётга тадбиқ этувчи тизимлар ҳаракатга келтирилмаган.

Ҳурматли ноиблар!

Шу ўринда биринчи раҳбар, унинг вазифалари ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келди.

Мен илгари нутқларимда кадрларни бир неча тоифага ажратган, кимлар билан қандай ишлаш кераклиги тўғрисида фикримни баён этган эдим. Биринчи тоифа, бу — ҳозирги оғир вазиятдан фойдаланиб қолишга ҳаракат қиладиган, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган, халқ ғам-ташвишидан бегона кимсалардир. Иккинчи тоифа эса — бефарқ, лоқайд одамлар бўлиб, уларни «ўйинчи» дегим келади. Бундай раҳбарлар ҳеч кимга қарши гапиришни, душман орттиришни хоҳламайди. Ўйин билан юрибди. Шамолга қараб туради. Хушомадгўйлик билан овора. Неча марта айтдим: менинг номимни улуғлаш керак эмас! Вилоятларга кираверишда, чегарада суратимни осиб қўйиш керак эмас! Одамлар нима дейди, ахир! Ҳар бир маъруза, ҳар бир нутқ Каримовдан бошланиб, Каримов билан тугайди. Бу нима деган гап? Каримовни тинч қўйинглар! «Яшасин!» деган даврлар ўтди. Ҳаммаси ўтади. Фақат зиммангизга юклатилган ишни бажарсангиз — менга бўлган энг катта ҳурматингиз шу!

Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлини, унинг ўзига хос жиҳатларини одамларга тушунтириш, онгига сингдириб бориш, бу — менинг Президент сифатидаги бурчим. Чунки биз бу йўлда елкадош бўлишимиз керак. Лекин ана шу фикрлар баён этилган китобларни ҳам улуғлаш эмас, ўрганиш керак. Танқидий кўз билан, фикр юритиб ўқиш керак.

Энди кадрларни танлаш масаласига келсак, шуни билингларки, бу энг нозик иш. Одамлар жойида ўтирса, топширилган ишга муносиб бўлса — шунинг ўзи 50—60 фоиз ютуқ демакдир. Ўви рози бўлса, ундан эл рози бўлса, бундан ортиқ бахт йўқ. Аммо, вилоятда ҳамон сўзамол, гапга тўн кийдирадиган, ўзини донишманд қилиб кўрсатадиган, лекин халқнинг назаридан қолган кишилар масъул лавозимларда ишлаб келмоқда. Қани вилоят ҳокимининг кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги ўрни?

Вилоятда кадрларни танлаш, уларни ўрганиш жараёнлари халқ депутатлари, фаолларидан сир тутилган. Кадрларни танлашда уларнинг малакаси, қатъиятлилиги, қобилияти эмас, аксинча, уларни ишга тайинлашда вилоят раҳбарига нисбатан шахсий эътиқоди, садоқати инобатга олинган. Лавозимларни таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик асосида тақсимлашга йўл очилган. Бу йўл билан тайинланган раҳбарлардан юрт, ватан, истиқлол манфаати учун нима кутиш мумкин?

Баъзи раҳбар шахсларни ишдан олиш, уларнинг назидида, жонини олишдай гап. Қўрқади. Нега? Қўлидан бошқа иш келмайдими? Оч қоладими? Йўқ. Сабаби шуки, амалини суиистеъмол қилиб келган бўлади. Мансабдан манфаат топмаса, нега бунча қўрқади?

Сирдарё вилоятида ҳам иккита ҳоким муовини лавозими бўш турди. Баъзи ҳокимлар қўл остида ёш, кучли, ташаббускор одам ишлашини хоҳламайди. Сабаби—заиф раҳбар кучли муовиндан қўрқади. Сирдарёда ана шундай чўлда тобланган ёшлар йўқми? Жуда кўп. Фақат уларни тарбиялаш, ўстиришга эътибор йўқ.

Сизлар фақат ҳамма камчилик, ҳамма «бало» бизнинг вилоятда экан, деб ўйламанг. Афсуски, бу камчилик, бу эски касаллик кўп вилоятларга ҳам хос.

Вилоят ҳокимининг эътиборсизлиги ва қатъиятсизлиги туфайли раҳбарлар орасида аҳиллик йўқ, бундай аҳвол бошқариш самарасига салбий таъсир қиляпти.

Бу хато ва камчиликлар шуни кўрсатадики, вилоят ҳокими раҳбарликни, талабчанликни мутлақо бўшаштириб, вазиятни чигаллаштириб юборган. Биринчи раҳбарликни зиммасига олган шахсга кўп ҳуқуқ берилган, лекин унинг масъулияти ҳам каттадир. Бугунги замон раҳбарлик лавозимида ўтирганлардан қатъий талаб қилади. Раҳбар бўлиш ҳамманинг ҳам пешонасига ёзилмаган.

Заиф, ўз соясидан қўрқадиган, лекин ўз манфаатини эсидан чиқармаётган шахслар — ўйинчилар билсинки, уларнинг замони — даври ўтди.

Энди ёш, эл-юрт ишига жонини тиккан — мен учинчи тоифага киритган кадрларга умид боғлашимиз керак. Мен Қашқадарёда ишлаб юрганимда ана шундай ёшларни кўрсам, қани энди, бирон ўрин бўшасаю уларни кўтарсам, деб орзу қилардим. Бунинг учун вилоятдаги ана шундай ёшларни излаб топиш, яъни ташкилий ишларни яхши йўлга қўйиш керак.

Ҳозир бир куни — бир ойга, бир ойи — бир йилга тенг тарихий даврни бошдан кечираяпмиз. Кечаги ўлчовлар бугунга тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам агар мендан Президент, давлат раҳбари сифатида юрагингдаги энг катта, эзгу ниятинг нима деб сўралса— Олло таолога минг шукрона-лар айтиб, эл-юртимизга тинчлик-осойишталик сўрардим, халқимизнинг ризқини, насибасини сўрардим, ҳар бир хонадонимизнинг тотувлигини, фарзандларимизнинг бахтини илтижо қилардим.

Ана шу мақсад — муродимизга етиш учун нима керак, деб сўралса — авваламбор эл-юртимизга инсофли, диёнатли, билимдон, тажрибали раҳбарлар, фаоллар керак, эл-юрт обрўси учун, ватанимиз манфаати учун жонини тиккан жонкуяр, камарбаста раҳбарлар керак. Қани энди шундайлар ҳар қайси вилоятда, туманда кўпроқ бўлса, дер эдим.

Ҳар қайси шаҳар, туманларимизда, йўлларнинг ҳар бир чорраҳасида мана шу — ҳаммамизнинг қалбимизда бўлган, ҳаммамизни муқаддас ишларга чорлайдиган сермазмун шиорни каттакатта ҳарфлар билан ёзиб қўярдим: «Бу азиз Ватан — барчамизники. Унинг бахт-саодати, ёруғ истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, керак бўлса жонни фидо қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун бахтдир».

Ҳурматли ноиблар!

Неъматларга бой еримиз бағри кенг, меҳнаткаш халқимиз бор. Мана, дунёни кўряпмиз. Бундай халқ, яна такрор айтаман, ҳеч қаерда йўқ. Келинг, йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўзимиз тузатайлик. Ватанимиз, халқимиз бахт-саодати учун ўзимиз курашайлик. Чунки келажак — ўзимизга керак. Ўшанда Ўзбекистон ўзи танлаган тараққиёт йўлидан, ёруғ истиқбол йўлидан ортга қайтмайди. Фақат қўлни қўлга бериб ишласак, аҳил бўлсак, иншооллоҳ, барча эзгу ниятларимизга етамиз. Келажак учун хизмат қилайлик.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ 1993 ЙИЛ 3 СЕНТЯБРДАГИ 940—XII СОНЛИ ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ БИРЛИКЛАР, АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ, КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ФИЗИК-ЖУҒРОФИЙ, ГЕОЛОГИК ВА БОШҚА ТОПОНИМИК ОБЪЕКТЛАРГА НОМ БЕРИШ ҲАМДА УЛАРНИНГ НОМИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом:

маъмурий-ҳудудий бирликлар ва аҳоли пунктларига:

маҳаллалар, шоҳ кўчалар, кўчалар, тор кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, парклар, кўприклар ва аҳоли пунктлари бошқа таркибий қисмларига;

саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари, жамоа хўжаликлари ва ўзга кооператив хўжаликлар, қурилиш, лойиҳалаш, илмий-текшириш, геология ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари, умумий таълим мактаблари, мактабгача, мактабдан ташқари болалар муассасалари ва халқ таълимининг бошқа муассасалари, сув иншоотлари, аэропортлар, темир йўл бекатлари, сув транспорти воситалари ва ўзга объектларга (бундан буён матнда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар деб юритилади);

физик-жуғрофий ва геологик объектларга ном бериш, уларнинг номини ўзгартириш, шунингдек номларни тўғри ёзиш тартибини белгилаб беради.

2. Ушбу Низомда санаб ўтилган объектларга бериладиган номлар содда, қисқа бўлиши ва илмий топонимика талабларига жавоб бериши лозим. Объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартиришда жуғрофий, тарихий, миллий, табиий ва бошқа маҳаллий шароитлар, шунингдек умумдавлат манфаатлари ҳисобга олинади.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотларга бериладиган номлар, қоида тариқасида уларнинг жойлашган ерини, фаолият мавзуини ва қайси идорага қарашлилигини акс эттириши керак. Мазкур объектларга давлат тилида ягона шаклда ифодаланадиган қисқартма ва шартли номлар берилиши мумкин.

3. Маъмурий-ҳудудий бирликлар, маҳаллалар, шоҳ кўчалар, кўчалар, тор кўчалар, майдонлар ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига ном бериш ҳамда уларнинг номини ўзгартириш бўйича таклифлар тайёрлаш учун вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимлари махсус топонимик комиссиялар тузишлари мумкин бўлиб, уларнинг таркибига тарихчилар, тилшунослар, меъморлар, ўлкашунослар, картографлар ва манфаатдор ташкилотларнинг ўзга ходимлари жалб этилади.

4. Ушбу Низом шунингдек табиат ёдгорликларига, ҳайкалтарошлик санъати асарларига ном бериш тартибини ҳам белгилайди.

II. МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ БИРЛИКЛАР ВА АҲОЛИ ПУНКТЛАРИГА НОМ БЕРИШ ҲАМДА УЛАРНИНГ НОМИНИ ЎЗГАРТИРИШ

5. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларга ном бериш ҳамда уларнинг номини ўзгартириш тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасида туманлар ва шаҳарларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан амалга оширилади.

6. Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва аҳоли пунктларига ном бериш ҳамда уларнинг номини ўзгартириш халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати томонидан тегишли халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг сессияларида қабул қилинган қарорлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

7. Маъмурий-ҳудудий бирликлар ва аҳоли пунктларининг номини ўзгартириш фақат алоҳида ҳолларда амалга оширилади.

8. Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва аҳоли пунктларига ном бериш ҳамда уларнинг номини ўзгартириш чоғида Қорақалпоғистон Республикасида ёки мазкур вилоятда мавжуд бўлган, вилоятлар шаҳарлар ва туманларга эса— Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган номларни бериш таъқиқланади.

9. Вилоятлар, шаҳарлар, туманлар, қишлоқлар, овуллар, шаҳарчалар ва бошқа аҳоли пунктларига одамлар номини бериш шунингдек, уларни тарихий воқеалар шарафига номлаш таъқиқланади.

III. МАҲАЛЛАЛАР, ШОҲ КЎЧАЛАР, КЎЧАЛАР, ТОР КЎЧАЛАР, МАЙДОНЛАРГА ВА АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ БОШҚА ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИГА НОМ БЕРИШ ҲАМДА УЛАРНИНГ НОМИНИ ЎЗГАРТИРИШ

10. Маҳаллалар, шоҳ кўчалар, кўчалар, тор кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, парклар, кўприкларга ҳамда аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш шаҳарлардаги, қишлоқлардаги, овуллардаги, шаҳарчалардаги маҳаллалар фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари тақдимномасига биноан шаҳар ҳамда туман ҳокимлари томонидан амалга оширилади. Ҳокимларнинг ушбу масалага доир қарорлари тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланиши лозим.

11. Янги кўчалар, майдонлар ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига ном бериш янгитдан қурилаётган туманларнинг бош режаларини тасдиқлаш билан бир пайтда ёки янги қурилиш учун ерларни ажратиш чоғида амалга оширилади.

Маҳаллалар, шоҳ кўчалар, кўчалар, тор кўчалар, майдонлар ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига ана шу аҳоли пунктида мавжуд номларни бериш тақиқланади.

12. Маҳаллалар, шоҳ кўчалар, кўчалар, тор кўчалар, майдонлар ва аҳоли пунктлари бошқа таркибий қисмларининг номи, одатда бошқа объектлар билан бир хил номга эга бўлганда, номи қоида тариқасида, хунук бўлганда ёки ушбу аҳоли пункти қайта қурилиши билан боғлиқ тарзда ўзгартирилади.

IV. КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРГА НОМ БЕРИШ ҲАМДА УЛАРНИНГ НОМИНИ ЎЗГАРТИРИШ

13. Корхона, муассаса, ташкилот ва бошқа объектни тузиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган бир пайтда уларга ном берилади. Хусусан:

республика бўйсунувидаги объектларга — тегишли вазирлик, давлат қўмитаси ва идораси тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, ушбу объект жойлашган ҳудуддаги маҳаллий ҳокимият органининг розилиги бўлган тақдирда;

маҳаллий буйсунувдаги объектларга — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан ном берилади. Бунда қабул қилинган қарор кейинчалик тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқланади.

14. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг вазирларига, давлат қўмиталарининг ва идораларининг раҳбарларига корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва давлатнинг бошқа объектларини тузиш, қайта ташкил этиш ва бирлаштириш ҳуқуқи берилган ҳолларда ана шу объектларга ном бериш ҳамда уларнинг номини ўзгартириш — улар жойлашган ҳудуддаги туманлар, шаҳарларнинг ҳокимликлари билан келишиб олинган ҳолда тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан амалга оширилади.

15. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари тизимига кирувчи давлат корхоналари, ташкилотлари ҳамда маҳаллий буйсунувдаги ўзга объектларга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан бериладиган номлар тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар билан келишиб олиниши лозим.

16. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга Қорақалпоғистон Республикаси ёки мазкур вилоят ва Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган бошқа объектларга илгари берилган номларни бериш, шунингдек тегишли вазирлик, давлат қўмитаси ва идоранинг бошқа корхоналари, муассасалари, ташкилотларига илгари берилган номларни ҳам бериш мумкин эмас.

V. ФИЗИК-ЖУҒРОФИЙ ВА ГЕОЛОГИК ОБЪЕКТЛАРГА НОМ БЕРИШ ҲАМДА УЛАРНИНГ НОМИНИ ЎЗГАРТИРИШ

17. Физик-жуғрофий ва геологик объектлар:

тоғлар, даралар, музликлар, текисликлар, водийлар ва қуруқлик рельефининг бошқа қисмларига;

денгизлар, қўрфазлар, бўғозлар, дарёлар, кўллар ва бошқа ер усти сув ҳавзаларига;

сув ости тизимлари, ботиқликлар, ҳавзалар, саёзликлар ва сув ости рельефининг бошқа қисмлари, денгиз оқимларига;

геоморфологик мажмуалар, структуравий-геологик ва ландшафт бирликлари, геологик тегралар ва минтақалар, қаттиқ, суюқ ва газсимон фойдали қазилмаларнинг ҳавзалари, конлари ҳамда маъданлари бор жойларга (шу жумладан ер ости сувларига);

ўсимликлар ва ҳайвонларнинг турлари, хиллари ёки бошқа таксономик тоифалари тарқалган ҳудудларга (ареалларига);

табиий-тарихий ҳудудларга ном берилиши лозим.

18. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган физик-жуғрофий ва геологик объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш:

физик-жуғрофий объектлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тақдимномасига биноан;

геологик объектлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

19. Икки ёки бир нечта давлатнинг ҳудудида жойлашган физик-жуғрофий объектларга Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тақдимномасига ҳамда бошқа давлатнинг ҳукумати билан эришилган келишувга биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ном беради.

20. Чегарадаги физик-жуғрофий объектларнинг номлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати билан келишиб олинмоғи лозим.

21. Биринчи марта 1:100000 ва бундан йириккроқ масштаблик хариталарга туширилади ган, номи бўлмаган физик-жуғрофий объектларга топографик ва гидрографик суратга олишни амалга ошираётган ташкилотлар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишиб олинган ҳолда ном берилади. Башарти, ушбу объектлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан бири ҳудудида ёки бир нечта вилоят ҳудудида жойлашган бўлса, уларга бериладиган ном Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишиб олинмоғи лозим.

22. Ҳисоботлар ва босма нашрларда илк бор қайд этилаётган геологик объектларга Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан келишилган ҳолда кашфиётчилар, муаллифлар, геология-қидирув, геологик, геофизик ва гидрогеологик ишларни бажараётган ташкилотлар томонидан ном берилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаганидан кейин ушбу қўмита номни давлат геология кадастрига киритади.

VI. ТАБИАТ ЁДГОРЛИКЛАРИ ВА ҲАЙКАЛТАРОШЛИК САНЪАТИ АСАРЛАРИГА НОМ БЕРИШ

23. Табиат ёдгорликларига (қўриқхоналар, буюртма қўриқхоналар, ботаника боғлари ва бошқа шу кабиларга) ном бериш Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

24. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорига мувофиқ ўрнатиладиган ёдгорликлар, ёдгорлик лавҳалари ва бошқа ҳайкалтарошлик санъати асарларига ном бериш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишиб олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, шунингдек у ёки бу ҳайкалтарошлик санъати асарининг устхати матнини тасдиқлайди.

VII. АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИГА, ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИ, МУАССАСАЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАРИГА, ФИЗИК-ЖУҒРОФИЙ, ГЕОЛОГИК ВА БОШҚА ОБЪЕКТЛАРГА ОДАМЛАР НОМИНИ БЕРИШ

25. Маҳаллалар, шоҳ кўчалар, кўчалар, тор кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, парклар ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, физик-жуғрофий, геологик ва бошқа объектларга давлат, жамоат арбобларининг, сиёсий арбобларнинг, Ватан ҳимоячилари, меҳнат қаҳрамонлари, фан, маданият арбоблари ва бошқа хизмат кўрсатган кишиларнинг номлари фақат вафотидан кейин берилиши мумкин.

26. Маҳаллий ҳокимият органлари бўйсунувида бўлган объектларга, шунингдек маҳаллалар, шоҳ кўчалар, кўчалар, тор кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, парклар ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига одамлар номини бериш Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан, республика бўйсунувидаги объектларга одамлар номини бериш эса — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Ушбу Низомнинг 25-бандида кўрсатиб ўтилган объектларга одамлар номи берилган тақдирда, шунингдек илгари берилган номлар ўзгартирилганда тегишли давлат ҳокимияти органларининг қарорлари топонимик объектларга машҳур кишиларнинг номларини бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи республика комиссияси билан келишиб олинади.

VIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

27. Ушбу Низомда кўрсатиб ўтилган объектлар номларининг (вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг номларидан ташқари) ёзилишини аниқлаштириш объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш ҳуқуқи берилган тегишли органлар томонидан амалга оширилади.

Маъмурий-ҳудудий бирликлар (вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар) номларининг ёзилишини аниқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасида туманлар ва шаҳарлар номларининг ёзилишини аниқлаштириш Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан амалга оширилади.

28. Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари хизмат ёзишмалари, ҳисоботлар, илмий, ўқув, ахборот нашрларида, даврий матбуотда ва картография нашрларида қўлланадиган жуғрофий ва геологик номларни тўғри ёзишда «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги Қонунга амал қиладилар.

29. Давлат объектлари номларининг каталоглари:

ўз бўйсунувидаги объектлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган маҳаллий аҳамиятдаги объектлар бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан юритилади.

Мазкур давлат объектларининг рўйхатлари ҳар йили 1 январдаги ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасига тақдим этилади.

30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан барпо этиладиган ёдгорликлар, ёдгорлик лавҳалари ва бошқа ҳайкалтарошлик санъати асарларининг рўйхатлари:

республиканинг бутун ҳудуди бўйича — Маданият ишлари вазирлиги томонидан;

Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудуди бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан юритилади.

31. Физик-жуғрофий объектлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия ва картография бошқармасида, геологик объектлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасида, табиатни муҳофаза этиш объектлари бўйича эса — Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида картотека юритилади.

** Ҳамшаҳарларимиз*

УМР МАЗМУНИ

Саидкарим Зиёдуллаевнинг номи давлат ва жамоат арбоби сифатида газетхонларга яхши таниш. Ўз фаолиятини оддий муҳандис-иқтисодчи даражасидан бошлаб Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, республика давлат режалаштириш комитетининг раиси лавозимигача кўтарилиб, бу вазифаларда кўп йиллар фаолият кўрсатиб келган фидойи инсонлардан бири.

Ҳозирда республика ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш бўйича Кенгаш маслаҳатчиси бўлиб фаолият кўрсатаётган бу таниқли олим 320 дан ортиқ турли мавзулардаги долзарб мақолалари билан илм кишилари орасида ҳам катта обрў ва эътиборга эгадир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи, фан доктори, академик, устоз олимнинг 80 йиллиги муносабати билан унга бир нечта саволлар билан мурожаат қилдик.

⊙

— ЎЗИМ иқтисодчи бўлганим учун аввало гапни шу мавзудан бошламоқчиман, — дейди Саидкарим ака. — Бу борада гап юритганда Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Олий Кенгаши XIII сессиясида сўзлаган «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари» мавзусидаги маърузасини албатта тилга олиш шарт. Чунки унда иқтисодимизнинг барча қирралари қамраб олинган.

Мустақил Ўзбекистон—республика ва унинг халқи манфаатларига ниҳоятда мос келадиган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган иқтисодий йўлни танлаб олди. Айтиш керакки, иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга бундай янгича ёндошувни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шундай экан, ўз-ўзидан иқтисодий дастуримизнинг устувор йўналишларини яна бир карра аниқлаб олишимизга тўғри келади. Хўш, улар нималардан иборат? Иқтисодий дастуримизнинг асосини ташкил этувчи омил — бу бозор муносабатларига ўтишдир. Бунинг учун эса ўтиш даврини босқичма-босқич белгилаш керак. Қолаверса, маъмурий буйруқбозлик бошқарувидан, марказлаштирилган тақсимлаш тизимидан, шаклланган текисилик ва боқимандалик психологиясидан воз кечиш керак. Фақат бозоргина республиканинг ғоят катта бойликларидан самарали фойдаланишни таъминлай олади. Бу борада олдимизда турган энг муҳим масалалар —давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, нарх-наволарни босқичли эркинлаштириш, бевосита хўжалик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш, товарлар, сармоя, ишчи кучи ва бошқа бозорларни шакллантириш, бозор шароитида ишлай оладиган малакали кадрларни тайёрлашдан иборатдир. Ўз навбатида аҳолининг энг кам ҳимояланган ва муҳтож табақаларини вақтида қўллаб-қувватлаш, фан ва техника тараққиёти, йирик давлатлар билан ҳамкор корхоналар тузиш, дунёдаги энг катта банклар ва савдо-саноат доиралари билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва шу йўл билан жаҳон бозорига чиқиш ислоҳотларимизнинг муваффақиятини белгилашини унутмаслигимиз керак. Албатта, бу мақсадларга тинчлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик йўли билан эришилади. Хуллас, иқтисодиётнинг сиёсат устидан ҳукмрон бўлишини таъминлаш, уни ҳар қандай мафкурадан озод қилиш лозим.

— Сандкарим ака, сиз жамоат ва давлат арбоби сифатида ҳам катта йўлни босиб ўтгансиз. Шундай экан, ўтмиш билан бугунги кунга қарашларингизни билмоқчи эдик.

— Бугун бизнинг мустақил республикамиз Ўзбекистонни 160 дан ортиқ хорижий давлатлар тан олди. Пойтахтимизда чет эл элчихоналари очилди. Давлатимиз байроғи Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган давлатлар байроғи қаторида ҳилпирамоқда.

Халқимиз, давлатимиз ўзга кимсаларнинг қош-қовоғига қарамай, кўнглига маъқул бўлган жамиятни, поймол этилиб келган маънавиятни, миллий анъана ва удумларини тикламоқда. Қадриятларимиз ўз ўрнини топяпти. Тилимиз, динимиз, тарихимиз жой-жойига қўйилмоқда. Президентимиз олиб бораётган халқчил сиёсат туфайли иқтисодиётимиз мустақил шаклланиб, осойишталик ва тинч-тотувлик билан ёрқин келажак сари одимлаб бормоқдамиз.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозим деб ўйлайман. Назаримда, кечани бугун билан таққослаганда уни бутунлай кўралаб ташлашга уриниш инсофдан бўлмас. Тўғри, ўтмишда маъмурий-буйруқбозлик билан бажарилган ғайритабиий ишларимиз ҳам бўлди. Лекин шу билан бирга муҳим аҳамиятга эга бўлган кўпгина фойдали, кенг миқёсдаги вазифаларни ҳам амалга ошира олдик. Бугунги кунда уларни номма-ном санаб ўтиришга ҳожат йўқ деб ўйлайман. Биргина Тошкентимизнинг яқин ўтмишдаги зилзиладан сўнг, янги қиёфа кашф этганини тилга олиб ўтиш кифоя. Юртбошимизнинг шу йилнинг 5 августида «Правда» газетаси мухбирларининг саволларига берган жавобидаги «Кечаги кунимиздан воз кечмай, келажакни кўзлаб ишламоқдамиз» деган сўзлари ҳам буни исботлаб турибди. Қолаверса, чиндан ҳам ўтмишимизнинг бир қатор зах-маткашлари Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсупов, Шароф Рашидовдек фидойилари меҳнатини унутиш ҳақиқатга тўғри келмайди.

— Сиз Усмон Юсупов ва Шароф Рашидовдек давлат раҳбарлари билан бир сафда туриб ишлаб, улар суҳбатларини кўп марталаб тинглагансиз. Ўша ўзаро мулоқотлардаги баъзи бир ёрқин хотираларингизни оқшомхонлар билан ўртоқлашсангиз.

— Усмон Юсупов ва Шароф Рашидов жуда камтарин, ўз ишини биладиган инсонлар эди. Ота-боболаримиз «Яхшидан боғ қолади» деган мақолни бежиз айтишмаган. Чиндан ҳам уларнинг ҳар иккаласидан яхши ном ва диққатга молик юмушлар қолди.

Усмон Юсупов билан бўлган бир суҳбат ҳеч ёдимдан чиқмайди. 1938 йили Москва коммунал институтини битириб, Тошкентга қайтдим. 1944 йилгача Ўзбекистон коммунал хўжалиги вазирлигида ўз соҳам бўйича ишлаб юрдим. 1946 йили мени Усмон ота ўз ҳузурларига таклиф этдилар. Раҳбар одамнинг ўзига хос салобати бўлади. Қисиниб-қимтиниб, ҳузурларига кирсам, салом-аликдан сўнг у киши менга: «Сенинг тўғрингда яхши фикрлар эшитдим. Шунинг учун сенга иккита йирик лавозимни мўлжаллаб турибмиз. Биринчиси коммунал хўжалик вазири ўринбосарлиги, иккинчиси Хоразм вилояти ижроия комитети раисининг ўринбосари лавозимлари. Қай бирини танлаш эса ихтиёринг», деб қолдилар.

Бироз иккиланиб турдимда, кейин: «Сиз қаерни лойиқ кўрсангиз, ўша ерга бориб ишлайвераман. Умуман меҳнатдан қочмайман», дедим.

Усмон ота елкамдан қоқиб: «Минг раҳмат сенга. Бошқалар узоқ юртга бориб ишлашдан чўчиб турган бир пайтда сен фидойилик кўрсатдинг», дедилар.

Хоразмга ишга тайинландим. Шундан кейин ҳам у киши билан бир неча бор учрашдик. Ҳар сафар кўришганимизда ҳол-аҳвол сўраб, «Қани энди сенга ўхшаган фидойилар кўп бўлса», деб қўярдилар.

1948 йили давлат режалаштириш комитетига раис этиб тайинланишимда ҳам отанинг хизматлари катта бўлди.

Шароф Рашидов билан эса жуда кўп марта учрашиб суҳбатлашганмиз. Улардан энг ёрқини 1983 йили телефон орқали сўзлашувимиз бўлган.

70 йиллигимни нишонлаётган кунимизда бирдан хонамиз телефони жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарсам, ундан: «Бу Зиёдуллаевларнинг хонадонимми», деган таниш овоз эшитилди.

— Ҳа, — дедим ҳаприқиб, — эшитаман.

— Саидкарим. Бу мен — Рашидовман. Самарқанддан сим қоқяпман. 70 ёшинг билан табриклайман.

Бир зум шошилиб қолдим. Бу қанақа маданиятли ва хотираси кучли инсонки, меҳнат таътилига чиқиб, академияга ишга ўтиб кетганимга 10 йил тўлса ҳамки, туғилган кунимни унутмаган бўлса.

Ўша куни Шароф Рашидов мени «Халқлар дўстлиги» ордени билан мукофотланганим билан ҳам табрикладилар. Ҳаяжон билан кўнглим тўлиб, «Раҳмат» дея олдим, холос.

Очиғи неча йиллар турли соҳаларнинг вазири бўлиб ишлаб, 27 йил режалаштириш комитетига раис бўлиб, бунақа хурсанд бўлмаган эдим. Ўшанда яна бир бор 1918 йилнинг 15 октябрида Тошкентнинг камбағал деҳқон оиласида таваллуд топган мендек оддий бир инсоннинг меҳнати бекор кетмаганини, умрим зое ўтмаганини юрак-юракдан сездим.

— Сизнинг жуда кўп марталаб турли делегацияларга бош бўлиб, чет эл сафарларида бўлган дейишади...

— Бу рост гап. Хизмат тақозоси билан 23 та хорижий мамлакатларда бўлганман. Айниқса менда Америка, Германия, Англия, Франция каби буюк давлатларда бўлган сафарим катта таассурот қолдирди.

— Ҳозирги ишингиз ва оилавий ҳаётингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш бўйича Кенгаш маслаҳатчиси бўлиб фаолият кўрсатаяпман. 320 дан ортиқ илмий ва назарий мақолалар муаллифиман. Гўё, мен учун уларда 80 йиллик умримнинг мазмуни, ҳаётим тарзи шакллангандек.

Турмуш йўлдошим Хосият Баҳриддинова — иқтисод фанлари доктори, профессор. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтида кафедра мудири бўлиб ишлайди. Бешта фарзандим бор. Энг кичиги Улуғбек ҳозир 9-синфда ўқияпти. Икки ўғлим ва икки қизим ўқимишли, олим. Улар турли соҳаларнинг мутахассислари бўлиб ишлашади. Фарзандларимнинг ҳаммасидан хурсандман.

Суҳбатдош
Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

СУРАТДА: Сандкарим Зиёдуллаев (ўртада) фарзандлари— фан докторлари, профессорлар Озоджон ва Набижонлар билан бирга. (1972 йилда олдирилган сурат).

** Театр—тарбия ўчоғи*

ТОМОШАБИННИ КУТИШМАЙДИ, ЎЗЛАРИ БОРИШАДИ

ЯҚИНДА мухбиримиз Абдулла Қаҳҳор номидаги Республика «Сатира» театрида бўлиб, ижодий жамоада тайёрланаётган янги саҳна асарлари билан танишди. Театр жамоасининг бугунги кундаги фаолияти ва иш режалари ҳақида таниқли режиссёр Ҳабибулла ФАЙЗИЕВ гапириб берди.

— «Сатира» театри ташкил топганига бу йил роппа-роса саккиз йил тўлган бўлса, — деди Ҳ. Файзиев, — шундан бери саҳнаси бўлмагани учун тушкунликка тушиб ўтирмай, балки имкониятлардан унумли фойдаланила бориб, фаолиятини сафарларда ўтказишга мослаштириб олди. Аммо фақат сафарда юришнинг ҳам ўзига хос қийинчилигидан ташқари фойдали томонлари ҳам кўп. У саҳнасида томошабинни кутиб ўтирмайди, балки ўзи томошабиннинг ҳузурига бориб, янги-янги спектакларини намойиш қилади. Айниқса кўп вақтлари далаларда ёки завод ва фабрикаларда ўтувчи деҳқон ва ишчилар ҳузурларида бўлиб, озгина бўлса-да чарчоқларини ёзишга, маданий дам олишларига ҳиссаси қўшилиб қолади. Санаторийлар, шифохоналарда даволанаётган беморларнинг ҳам кўнгилларига малҳам бўлади. Энг қизиғи шундаки, бундан бир неча йил бурун Наманганда бўлганимизда (қишлоқ, туманнинг номини айтсак одобдан бўлмас, ҳозир бутун Ўзбекистон яшармоқда), мактаб директори бизни кутиб олди-ю, аммо биз томоша кўрсатишимиз учун на саҳна бор эди, на бирор шароит. Биз ўз узримизни айтсак, директор: «Илтимос, бизнинг болалар театр кўришмаган, ҳар ҳолда телевизор бошқа. Очиқ майдонимизда бўлса ҳам қўйиб беринг», деб илтимос қилганидан кейин, ноилож иккита юк машинаси устида спектакль қўйдик. Яратганга минг қатла шукрлар бўлсин, деб айтишимиз керак, театрни ёмон кўрадиган одамнинг ўзи йўқ.

— Қайси вилоятларда кўпроқ спектакллар қўясизлар!

— Деярли ҳаммасида, десам, муболаға бўлмас. Масалан, бу йил Навоий шаҳар ҳокимининг таклифига биноан Навоий шаҳрининг таваллуди 35 йиллиги муносабати билан Навоийда, Самарқандда, Бухорода, Шаҳрисабз, Урганч, Чимкент ва бошқа кўплаб вилоят ва туманларда қўйилган саҳна асарларимиз муваффақият қозониб келмоқда. Бунинг учун ўз навбатида театримиз директори Мавлон Хўжаев, муовинлари Мурод Исмоилов, Йўлдош Шариповлар кўрсатаётган ташаббуслари алоҳида таҳсинларга лойиқ. Ҳа, дарвоқе, бир нарсани айтиб қўяй, театримиз жамоаси ҳам турли вилоят, туман ёшларидан жамланган. Масалан, Камолиддин Ворисов наманганлик, Абдурашид Жўраев андижонлик, Саодат Рўзиева самарқандлик, Гулҳаё Есенбоева қорақалпоғистонлик, Қаҳрамон Рўзимов хоразмлик ва ҳоказолар. Буларнинг турли вилоятларданлигининг яхши бир жиҳати бор, яъни бизда ҳар вилоят меҳнаткашларига саҳна асарларимизни намойиш қилаётганда кўпгина истак ва таклифлар ҳисобга олинади. Умуман ижодий жамоамизда 26 киши ишласа, ҳар бирининг ўрни ва вазифаси бор. Яна бир гап. Бу жамоамиз икки гуруҳга бўлинган бўлиб, бир асарни икки вилоятда қўйишимизга қўл келади. Бекорчи вақтимиз умуман йўқ — ҳар доим репетициядамиз, сафарлардамиз.

— Ҳабибулла ака, ҳамма театр ва кинода ҳам асарнинг муваффақият қозониши ёки омадсизликка учраши режиссёрларига боғлиқ бўлади. Сизнинг номингизни нафақат Ўзбекистонда, балки Россия, ҳатто Америкада ҳам билишади. «Ўзбекфильм»да яратган ўнлаб бадиий ва ҳужжатли фильмларингиз телетомошабинларимизга яхши таниш. Айтинг-чи, ҳозирги кунда театр мухлислари учун қандай саҳна асарларини актёрлар кўмагида тайёрлаяпсиз!

— Аввало йирик адибимиз Шуҳратнинг руҳларини шод қилиш мақсадида бундан 25 йил олдин ёзилган «Беш кунлик қуёв» асарларини саҳналаштираяпмиз. Бу асар шуниси билан диққатга сазоворки, ўша вақтдаги муаммо ва жумбоқлар ҳозирги кун, яъни бугунги янгиланаётган давримиз талабларига тўла жавоб бера олади. Ҳозир репетициялар билан шуғулланмоқдамиз. 20 октябрда намойиш қиламиз, марҳамат қилинг. Бундан ташқари Абдулла Қаҳҳорнинг икки ҳикоясини ўмумлаштириб, «Майиз емаган хотин» спектаклини ҳам тайёрлаяпмиз. Иброҳим Содиқовнинг «Афандининг беш хотини» ҳам шулар жумласидандир.

— Театр ёшлари ҳақида нималар дея оласиз!

— Бошқаларни билмадим-у, бизнинг театр ёшларнинг ҳақиқий ижод майдони. Қизиқкан ёшларни ўз бағримизга олиб , тажриба ва малакаларини ошириб бораяпмиз. Ҳатто жамоамизда 20 яшарлик Муҳаммаджон Мирҳўжаев ҳам бор. Ҳозир уни ўзимиз институтда ҳам ўқитиб, ҳам бу ерда иш ўргатиб, яхшигина актёр қилиб тайёрлаяпмиз. Ҳозиргина сизга таништирган актёрлар: Камолиддин Ворисов, Комил Фозилов, Абдурашид Жўраев, Саодат Рўзиевалар ҳам ёшлар. Кўп эмас, 4—5 йилда уларнинг таниқли актёрлар бўлиб, халқ ҳурматига сазовор бўлишларига ишончим комил.

— Театр жамоасида қандай муаммолар бор!

— Ҳозирча ана шундай ёшларимизни уй-жой билан таъминлашга шароит ярата олмаяпмиз. Ишонаманки, булар ҳам навбати билан раҳбариятимиз саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилар. Аммо бошқа муаммо бор. Бу ҳам бўлса, «Сатира» театри учун комедия ва сатира асарлари яратадиган драматургларимиз масаласидир. Куни кеча ёзувчимиз Саид Аҳмад ака билан ҳам суҳбатда бўлдим. У киши ҳам: «Ҳадеб биз ёзаверсак бўлмас, ёшларни ҳам театрга тортинглар, улардан умидларимиз кўп. Ёрдам керак бўлса, марҳамат, қўлимиздан келганича кўмаклашамиз ёш драматургларга» дедилар. Фақат муаммомиз шу: театр энди ёшларники бўлгач, драматурглар ҳам ёшлар бўлиши керак.

— Келгуси режалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Татаристоннинг мусиқали драма театри билан бир неча йиллик борди-келдимиз бор. Ҳозир навбат бизга келиб турибди. Анчадан бери бизни кутишаяпти. «Келинглар, мустақил Ўзбекистоннинг янги-янги спектакларини юртимиз меҳнаткашларига намойиш қилинглар. Татарлар театрларингизга ишқибоз» деб, чақиришаяпти. Ҳозир раҳбариятимиз ана шу катта сафарга тайёргарликлар кўрмоқда. Биз албатта мустақил Ўзбекистонда яратилаётган асарларимизни уларга манзур қила оламиз, деб ўйлаймиз. Негаки, театр томошабини, муҳлиси бор экан, биз ҳам ҳамиша чарчоқ нима билмай, уларнинг хизматларида бўлаверамиз. Ҳа, биз томошабинни кутиб ўтирмаймиз, балки ўзимиз томошабин ҳузурига борамиз.

Зоир ТУРСУНОВ.

СУРАТДА: «Кулоб ва қароқчи ҳангомаси» спектаклидан лавҳа.

Николай Хмара сурати.

** Ниқобни очганда...*

ҚУРЪОННИ СОТГАН ОДАМ

ТОЖИК МУХОЛИФАТИ ЕТАКЧИЛАРИ ОРАСИДАГИ ЭНГ ЕВУЗ ШАХСЛАРДАН БИРИ — ҲОЖИ АКБАР ТУРАЖОНЗОДАДИР

Унинг ҳужжат бўйича исми шарифи қуйидагича: Акбар Тўраевич Қаҳҳоров. 1954 йилда Оржоникидзеобод туманининг Туркобод қишлоғида иккинчи авлод эшон оиласида туғилган. Миллати — тожик. Биринчи авлод эшон — бобоси бу рутбани олдин ўзи қўлида чўпон бўлиб ишлаган эшондан олган. Ҳожи Акбарнинг отаси республикадаги энг бой одамларнинг бири эди. У ҳокимият билан тотувликда яшаган. 1983 йилда ҳажга борган. Ўша пайтда бу жуда қийин, ҳар икки-уч йилда республикадан биттагина одам ҳажга бора олар эди. У бу ишни осонлик билан ҳал қилди. Ўғли Акбарни Бухородаги мадрасага ўқишга жойлаштирди. Акбар таҳсилни кейин Тошкентдаги Ислом маъҳадида давом эттирди. У аслида ўқишни ҳам қотириб қўйгани йўқ. Кўрганларнинг айтишича, унинг пули кўп бўлган. Пули кўплигини яширмаган ҳам. Бу пулларга у «майда харажат»лардан ташқари, олдин мадраса, кейин маъҳад ўқитувчи ва раҳбарларига баҳона топиб қимматбаҳо совғалар қилган. Шу туфайли мадрасада ҳам, маъҳадда ҳам ўқишдан кўра айшини суриб юриш ҳуқуқига эга бўлган.

Барча ўқув юртлари қатори диний ўқув юртлари талабалари ҳам пахта теримига чиқарди. Шундай пайтларда олдин Бухорога, кейин Тошкентга Туркобод қишлоғидан Қаҳҳоровлар оиласининг муридлари келиб, эркатой Акбар ўрнига пахта теришарди. Бухорода ҳам, Тошкентда ҳам «бойвачча»нинг домлаларини зиёфат қилиш учун ойда икки марта қўй сўйиларди. Акбар қийналмаслиги, маишатдан маҳрум бўлмаслиги учун унга Тошкентда катта ҳовли сотиб олиб берилган, бу ерда у муридлари билан кайфу сафо сурар эди. Маъҳадни тугатганидан кейин А. Қаҳҳоров Иорданиянинг Уммон дорилфунунига ўқишга юборилади. Бу — ўша пайтда мингдан бир кишига насиб қиладиган инъом эди. Бу инъомга эга бўлиш учун ҳокимият билан қулоқ алоқада бўлиш ёки диний фаолиятда ҳокимиятга маъқул бўладиган катта ишлар қилиш лозим бўларди.

Иорданияда таҳсилни тугатганидан кейин А. Қаҳҳоров бир-икки йил Тошкентдаги Ўрта Осиё мусулмонлари диний бошқармасининг халқаро алоқалар бўлимида референт бўлиб ишлайди. 1988 йилда ўттиз тўрт яшар Акбар Қаҳҳоров кутилмаганда Тожикистон мусулмонлари қозиси этиб тайинланади. Унинг бу «ўсиш»ида тинимсиз равишда қимматбаҳо совғалар олиб турган москвалик ҳомийларнинг ҳам хизмати бор эди, албатта. Сергайрат, уддабурон, эпчил Акбар Қаҳҳоров шароитни ўрганиб олади-да, қайноқ фаолиятини бошлаб юборади. Акбарнинг омади бор экан, у ҳокимиятга келган пайтида Горбачёвона қайта қуриш туфайли динга ҳам муносабат ўзгарган эди. Ҳар қадамда мачит қуриш одат тусига кирди. Ҳар бир маҳалла ҳашаматлироқ мачит қуриш бўйича ўзаро мусобақа ўйнашга тушди. Ислом қонунларини ўргатувчи расмий ва норасмий мактаблар кўпайди. Диний адабиёт оммавий тиражларда нашр этила бошланди. Юзлаб одам ҳаж қилиш имконитига эга бўлди. Буларнинг ҳаммаси давлат сиёсати туфайли амалга ошаётган эди, албатта. Аммо қози уялмай-нетмай, бу ишларнинг барчасини ўзим амалга оширяпман, деб жар солди. Қайта қуриш даврида яширин иш олиб борган, айримлари давлатга қарши ва бошқа жиноятлари туфайли жиноий жавобгарликка тортилган Ислом ақидапарастларининг етакчилари қозининг обрў-эътибори ошиб бораётганини ҳасад билан кузатар эдилар. Уларнинг фикрича, дин туфайли азият чекмаган, олдинги коммунистик раҳбариятнинг эркатойи бўлган қози Тўражонзода қайта қуришдан кейин ҳам уларни орқада қолдириб кетган эди. Мулла Абдулло (Абдулло Саидов) ва Ҳимматзода сингари арбоблар ҳам ундан анча орқада қолиб кетган эдилар. Мулло Абдулло қозини очиқдан-очиқ фитначиликда айблаб, у республика мусулмонларининг раҳнамоси бўлишга нолойиқ, чунки «фақат бойлигини кўпайтиришни ўйлайди, уни дин манфаатлари эмас, ўзининг шахсий, дунёвий манфаатлари кўпроқ қизиқтиради», дер эди. Бу гапларда катта ҳақиқат бор эди, албатта. Чунки қози уялмай-нетмай, яратганнинг қаҳридан қўрқмай, Саудия Арабистони мусулмонлари ҳадя қилган Қуръони Карим китобларини соттириб юборади-да, тушган пулни ҳамёнига уради.

Ҳимматзода бошлиқ Ислом уйғониш партияси майдонга чиққанидан кейин қози ўзининг республикадаги диндорлар устидан мутлақ ҳокимлигига хавф пайдо бўлганини сезди. Шунинг учун ҳам бу мутлақ ҳокимликни сақлаб қолиш мақсадида партиянинг таъсирини камайтириш учун кураш бошлаб юборди. У, Ислом партиялар тузилишини тақозо қилмайди, партиялар тузилиши Қуръонга хилоф, дея очиқдан-очиқ баёнотлар берди, партиянинг рўйхатдан ўтказилишига қарши курашди. Аммо, кейинчалик, республика раҳбариятининг Ислом уйғониш партияси фаолиятига қарши самарали кураша олмагани, халқ орасида партиянинг нуфузи тобора ошиб бораётганини кўриб, кескин тарзда феълини ўзгартирди: барчани ҳайрон қолдириб, Ислом уйғониш партияси билан ҳамкорлик қила бошлади. Ислом ақидапарастлари ўзини изчил эмасликда айблашмасликлари учун у Ислом уйғониш партияси билан дастлабки эди. Унинг қозиликда ўтказган дастлабки «ислоҳот»и шундан иборат бўлдики, атрофига қариндош-уруғларини йиғди. Қозиликдаги барча вазифаларни акаси, амакиси, тоғаси, қайнағаси, куёви (синглисининг эри)... ва бошқа яқинлари эгаллади. Вазифа тақсимлашда у битта мезон — ходимларнинг ўзига сўзсиз садоқатидан келиб чиқар эди. Бу орада унинг ҳаммаслаклари доираси ҳам шаклланди. Ҳаммаслаклар ҳудди танлаб олингандек, асосан, савдо ходимларидан — майда ходимчалар эмас, йирик бўрилардан, албатта —омбор, дўкон мудирлари, директорлар ва ҳоказолардан иборат эди. Қози билими, тажрибаси, ишлаш қобилиятидан қатъи назар, ўзига ёқмаган одамларнинг баҳридан ўтиб юбораверарди.

Қуръон қоидаларига зид равишда у бирининг ўрнини ва вазифасини ва ҳокимиятга келган пайтида Горбачёвона қайта қуриш туфайли динга ҳам муносабат ўзгарган эди. Ҳар қадамда мачит қуриш одат тусига кирди. Ҳар бир маҳалла ҳашаматлироқ мачит қуриш бўйича ўзаро мусобақа ўйнашга тушди. Ислом қонунларини ўргатувчи расмий ва норасмий мактаблар кўпайди. Диний адабиёт оммавий тиражларда нашр этила бошланди. Юзлаб одам ҳаж қилиш имконитига эга бўлди. Буларнинг ҳаммаси давлат сиёсати туфайли амалга ошаётган эди, албатта. Аммо қози уялмай-нетмай, бу ишларнинг барчасини ўзим амалга оширяпман, деб жар солди. Қайта қуриш даврида яширин иш олиб борган, айримлари давлатга қарши ва бошқа жиноятлари туфайли жиноий жавобгарликка тортилган Ислом ақидапарастларининг етакчилари қозининг обрў-эътибори ошиб бораётганини ҳасад билан кузатар эдилар. Уларнинг фикрича, дин туфайли азият чекмаган, олдинги коммунистик раҳбариятнинг эркатойи бўлган қози Тўражонзода қайта қуришдан кейин ҳам уларни орқада қолдириб кетган эди. Мулла Абдулло (Абдулло Саидов) ва Ҳимматзода сингари арбоблар ҳам ундан анча орқада қолиб кетган эдилар. Мулло Абдулло қозини очиқдан-очиқ фитначиликда айблаб, у республика мусулмонларининг раҳнамоси бўлишга нолойиқ, чунки «фақат бойлигини кўпайтиришни ўйлайди, уни дин манфаатлари эмас, ўзининг шахсий, дунёвий манфаатлари кўпроқ қизиқтиради», дер эди. Бу гапларда катта ҳақиқат бор эди, албатта. Чунки қози уялмай-нетмай, яратганнинг қаҳридан қўрқмай, Саудия Арабистони мусулмонлари ҳадя қилган Қуръони Карим китобларини соттириб юборади-да, тушган пулни ҳамёнига уради.

Тўражонзода республика мусулмонларининг раҳнамоси сифатида ақидапарастлар билан собиқадам мусулмонларни яраштириш, улар ўртасида бир-бирига ҳурмат уйғотиш ўрнига ҳар хил йўллар билан уларни бир-бирига гижгижлар эди. «Нафсим менинг балодур, ёнар ўтга солодур» — бу мақолни қозининг асосий шиори десак хато бўлмайди.

Тўражонзода Отахон Латифий ва Мақсуд Икромов сингари «демократ»лар билан алоҳида муносабат ўрнатди. Латифий унга эски, бу дунёнинг казо-ларини биладиган тажрибали журналист сифатида керак эди. Шунинг учун ҳам қози Латифийдан сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчи сифатида фойдаланарди. Икромов билан эса йирик молиявий ва ўй савдоси билан боғлиқ найрангбозликларни амалга ошириш мумкин эди. Бу иккала «дўст», собиқ партия ходимлари кейинчалик ўз бошлиқларининг ашаддий ғоявий душманига айланиб, ислом ақидапарастларига малайлик қилишлари ҳам ажабланарли ҳол эмас.

Тепаликдан юмалаган кишининг ўзини тўхтатиб олиши қийин. Қози ҳам шу тариқа тубанликка юмалаб кетаверди. У манманларча ва виждони қийналмасдан иш тутиб, қозиликда ҳаммаслаклари билан штаб ташкил этди. Бу штабда жангарилар йиғилар, уларга қурол тарқатилар, қийноқлар, сўроқлар ўтказилар эди. Оллоҳ уйида қон ҳиди анқий бошлади. Ифлос, соч-соқоли ўсган, ниқобли ҳарбий кийим кийган, қўлида автомат тутган кимсалар тўлиб кетди. Спиртли ичимликлар, қорадори пайдо бўлди. Ҳар хил жанжаллар чиқа бошлади, Фақат Оллоҳ номи зикр этилиши лозим бўлган муқаддас даргоҳда сўкинишлар эшитила бошлади. Буларнинг барчасини кўриб турган қозилик ходимлари, жумладан қозининг қариндошлари ҳам ғазабга келган, аммо ҳеч ким бу ғазабини ошкора ифода қила олмас эди. Жума намозига келган намозхонлар бу ердаги «томоша»ни кўриб, намоз ўқиш учун бошқа мачитларга кета бошлади. Мусулмон оламидаги биронта мачит — Оллоҳ билан мулоқот, тавбатазарру қиладиган муқаддас даргоҳ бу ердагидек оёгости бўлмаган, ўрта аср зиндонига айлантирилмаган бўлса керак. Буларнинг барчаси қозининг иродаси билан амалга ошарди. Қози бу ерда, қозихонада туриб жиҳодга даъват этувчи ваъзлар айтар, бу ваъзлардан ҳамда ароқ ва қорадоридан бошлари айланган жангарилар кўлобликлар, ўзбекларни фош қилган мусулмонларга жаноза ўқитмасликдек шаккокликка ҳам борди. Муллалар сафидаги муҳолифлари ва айрим диндорлар мана шундай «кофир»лик унвонига «сазовор» бўлган, ҳар қандай мусулмон бундай тавқи лаънатга дучор бўлиши ҳеч гап эмас эди. Қози бундай шаккокларча ҳукм чиқараётгани учун оллоҳ ўзини ҳам жазолаши мумкинлиги тўғрисида ўйлаб ҳам ўтирмасди.

1988 йилда Кўлоб шаҳрида бўлиб ўтган диндорлар ўртасидаги қирғин-баротнинг ташкилотчиларидан бири ҳам мана шу қози эди. Тўражонзода республика мусулмонларининг раҳнамоси сифатида ақидапарастлар билан собиқадам мусулмонларни яраштириш, улар ўртасида бир-бирига ҳурмат уйғотиш ўрнига ҳар хил йўллар билан уларни бир-бирига гижгижлар эди. «Нафсим менинг балодур, ёнар ўтга солодур» — бу мақолни қозининг асосий шиори десак хато бўлмайди.

Тўражонзода Отахон Латифий ва Мақсуд Икромов сингари «демократ»лар билан алоҳида муносабат ўрнатди. Латифий унга эски, бу дунёнинг казо-ларини биладиган тажрибали журналист сифатида керак эди. Шунинг учун ҳам қози Латифийдан сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчи сифатида фойдаланарди. Икромов билан эса йирик молиявий ва ўй савдоси билан боғлиқ найрангбозликларни амалга ошириш мумкин эди. Бу иккала «дўст», собиқ партия ходимлари кейинчалик ўз бошлиқларининг ашаддий ғоявий душманига айланиб, ислом ақидаларни кўлобликлар, ўзбекниятлар улуғланишини билган қози учун инсон ҳаёти бир пул бўлиб қолган. Ислом — аслида тинчлик дегани. Исломга хизмат қиладиган ҳар қандай киши инсонлар ўртасида тинчлик, инсонпарварлик, дўстлик ва иззат-ҳурмат уруғларини сочиши лозим. Тўражонзода эса буларнинг бутунлай аксини қиляпти.

Тўражонзода ҳали ҳам қасос олиш ва ўзининг айби билан не жафоларни бошидан кечирган Тожикистонга оқ отда кириб келиш орзуси билан яшайди. Бу ерда «ишлагани»да унинг вазифаси шиорлар ташлаш ва бузғунчиликларга даъват қилишдан иборат эди. У бу ишни яхши уддалаган ҳам эди. Ҳозир эса, муҳолифат кучлари етакчиларининг бири сифатида халқаро фаолиятини кенгайтириб юборган. Бўзчининг мокисидек гоҳо Покистонда, гоҳо Эронда, гоҳо Афғонистонда пайдо бўлиб қолади. Кейин Саудия Арабистонига келиб, «поклانади». Қаерга бормасин, ёлланган каллакесарлар ва чет эллик йўл-йўриқ ўргатувчиларга ҳақ тўлаш учун доллар, замонавий қурол-ярог ва бошқа нарсалар тиланади. Бу ишларни у Тожикистон Республикасининг ҳозирги қонуний ҳукуматини ағдариш ва яна ватандошларини қириш ниятида қиляпти. Ўзи эса Саудия Арабистонида қўриқчилар ўртасида мазза қилиб яшаш тарафдори. Тўғри-да, бу ерда бошига ўқлар ёғилиб чийилламайди, офтоб куйдирмайди, ертўла битлари таламайди, яқинларингиз, қариндош-уруғлари соғ-саломатми, устлари бут, қорнилари тўқми, деган ташвишли саволлар уни қийнамайди. Аммо, ҳеч ким тақдиридан қочиб қутулолмайди. Тўражонзода Оллоҳ номи билан қилган қонли гуноҳларни Оллоҳнинг ўзи кўриб турибди. У ҳар бир бандасини қилмишига яраша жазолайди.

«Бизнес и Политика» ҳафталигининг 1993 йил, 38-сонидан олинди.

МУСТАҚИЛ ЮРТИМИЗДАГИ ЯНА БИР ХАЛҚАРО МУСОБАҚА ЯКУНЛАНДИ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА шарқона беллашувлар, айниқса, таэквон-донинг мисли кўрилмаган даражада оммавийлашиб кетгани, спортнинг бошқа турларини (футбол бундан мустасно, албатта) бир қадар «соядa» қолишига олиб келди. Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари таэквон-дочиларининг 1-чемпионатидан сўнг бокс бўйича халқаро турнир ўтказиш шу жиҳатдан бироз таваккалчиликка ўхшаб кўринарди. Биз спорт журналистлари ҳам ўзаро суҳбатларда, турнир қай даражада ўтаркин, мухлислар сони қанча бўларкин, деган саволларга жавоб топишга уринардик. Қарангки, 5—10 октябрь кунлари «Алпомиш» спорт саройига ташриф буюрган минглаб мухлисларни кўриб хавотирларимиз тумандай тарқалиб кетди, ташкилий комитет аъзоларининг тиним билмай чеккан машаққатлари бежиз кетмаганини кўриб уларга тасаннолар ўқидик.

Дарвоқе, ташкилий комитет фаолияти хусусида. Мусобақа кунлари қай бир меҳмон, спортчи ёхуд мухлис билан ҳамсуҳбат бўлмайлик, у биринчи навбатда ташкилотчилар меҳнатини эътироф этиб ўтди, уларнинг турнирни юқори савияда уюштиришга эришиб барчага оламолам қувонч бахш эта олгани учун миннатдорчилик билдирди. Бундай илиқ мулоҳазаларга қўшилмай бўлмайди. Хўш, «Ўзбекистон мустақиллиги» Кубоги учун ўтказилган Халқаро турнир бошқа мусобақалардан нимаси билан фарқ қилди?

Аввало, спортчилар, мураббийлар ўта маданиятли, одоб-ахлоқ бобида беназир экани билан барчада яхши таассурот қолдирдилар.





«Ўзбекистон мустақиллиги» Кубоги учун ўтказилган Халқаро турнирнинг ҳар бир жанги жуда қизиқарли ва муросасиз ўтди. Сураткаш Муҳаммад Аминнинг газетамизга илтифот илa тақдим этган суратларида ўзбек бокси тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилажак ана шу мусобақадан лавҳалар акс эттирилган.

ЎЗБЕК БОКСИ— ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Иккинчидан, собиқ Иттифоқнинг турли бурчакларидан таклиф этилган ҳакамлар савияси талаб даражасида бўлгани учун ҳеч кимда ҳеч қандай эътирозлар, шубҳа-гумонлар туғилмади.

Учинчидан, турнир иштирокчилари, мухлислар, меҳмонлар учун ташкил этилган савдо хизмати самарали, кўнгилдагидай фаолият кўрсатди.

Тўртинчидан, жанглар орасида, бошқа мусобақалардан фарқли ўлароқ, узундан узун танаффуслар бўлиши, мухлисларнинг зерикиб қолишига йўл қўйилмади. Йирик халқаро турнирнинг илк бор ўтказилаётганини ҳисобга олсак бу алоҳида таъкидлаб ўтишга арзийдиган ижобий ҳолат. Ва спорт журналистларини энг қувонтирган нарса уларга бўлган алоҳида диққат-эътибор бўлди. Чунки, очиғини айтиш керакки, шу кунга қадар матбуот ходимлари мухлислар орасида (унда ҳам ортиқча ўриндиқ бўлса) ўтирганча ёхуд бир четда мунғайиб тик турганча мусобақа ҳақида репортажлар тайёрлардилар. Бу safar эса рингнинг ёнгинасидан улар учун махсус жой ажратилди. Истардикки бундан кейин ҳам спорт журналистларидан мана шундай диққат-эътибор дариғ тутилмаса.

Энди бевосита жанглларга қайтсак. «Ўзбекистон мустақиллиги» Кубоги Халқаро турнирига Осиё ва Европанинг энг кучли жамоалари таклиф этилганди, лекин илгари ҳам хабар қилганимиздек, Россияда бўлиб ўтган нотинчликлар кўплаб спортчиларга Москва орқали Тошкентга етиб келиш имконини бермади. Турнирнинг очилиш маросимида «Ўзбекенгилсаноат» Давлат уюшмаси бошқаруви раиси, Ўзбекистон бокс федерацияси президенти Ўктам Исмоилов йиғилганларга шу ҳақда расман маълумот берди. Сўнгра Қирғизистон, Тожикистон, Ҳиндистон, Бошқирдистон, Бурятия, Россия, Афғонистон ва Ўзбекистоннинг уч терма жамоаси ўртасида «Ўзбекистон мустақиллиги» Кубогини қўлга киритиш учун муросасиз жанглар бошланди. Дастлабки уч кун давомида спортчилар ўз вазн тоифаларида саралаш жанглари ўтказдилар. Ғолиб боксчилар навбатдаги босқича йўлланма олдилар. 10 октябрда ўтказилган финал баҳслари турнирнинг энг қизиқарли жангларга бой куни бўлди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, барча вазн тоифаларида ҳал қилувчи жанга йўлланма олган боксчилар орасида ўзбекистонликлар бор эди. Албатта бу ҳодисани бошқа бир томондан шарҳлаш ҳам мумкин. Мураббийларимиз имкон қадар кўпроқ спортчини синовдан ўтказиш ниятида бир эмас, уч терма жамоа билан иштирок этдилар (60 спортчи), бошқа давлатлардан келганларнинг сони эса атиги 4—10 кишини ташкил этарди. Қолаверса, улар Тошкентга асосий таркибдаги боксчилари билан келмагандилар. Шу жиҳатдан олганда, мазкур турнирни «Ўзбекистон терма жамоаси ва бошқалар» дея номлаш ҳам жоиз бўларди. Лекин нима бўлганда ҳам вакилларимиз юксак маҳорат кўрсатиб республикамиз шарафини муносиб ҳимоя қила олдилар. Айниқса, жаҳон чемпионатининг совриндори Ҳикматулла Аҳмедов, Садир Тошматов, Алишер Авезбоевларнинг жанг маҳорати мухлислар олқишларига сазовор бўлди. Дилшод Ёрбеков қирғизистонлик Дмитрий Шунинни, Икром Бердиев Муҳаммад Иминжоновни дастлабки дақиқаларданоқ «зарбалар ёмғири» остида қолдириб муддатидан илгари ғолиб бўлдилар. Ўзбекистон биринчи терма жамоаси вакили Олег Маскаевга 91 килограммдан ортиқ вазнли рақиб топилмагани учун бирорта ҳам жанг ўтказмай турнир ғолиби бўлди.

Илгари хабар қилганимиздек «Ўзбекистон мустақиллиги» Кубоги Россия ва қирғизистонликларни ортда қолдирган Ўзбекистон терма жамоасига насиб этди.

Турнир якунлангач биз республикамизда спорт ривожига катта ҳисса қўшган бокс фахрийлари билан суҳбатлашдик. Уларнинг барчаси йигитларимиздан кўнгли тўлгани, ўзбек бокси ишончли қўлларда эканига ишонч ҳосил қилганликларини эътироф этдилар.

ЭНГ КУЧЛИЛАРГА СОВРИНЛАР

«Ўзбекистон мустақиллиги» Кубоги ташкилотчилари, ҳомийлари асосий совриндорлардан ташқари бир неча мукофотлар ҳам таъсис этдилар.

«Турнирнинг энг яхши спортчиси» совринни Ҳикматулла Аҳмедовга насиб этди.

«Техникаси мукаммал спортчи» совринига Наримон Отаев муносиб деб топилди.

«Ғалабага бўлган иродаси учун» таъсис этилган махсус соврин россиялик Роман Иваненкога топширилди.

Бундан ташқари энг яхши ҳакамларга «Тошинтерм» қўшма корхонасининг термослари, боксчилар Наримон Отаев ва Баҳодир Аҳмедовга «Витеш» қўшма корхонаси томонидан 200 доллардан мукофот берилди.

67—71 килограмм вазндаги спортчилар ўртасида 3-ўринни эгаллаган Афғонистон терма жамоаси вакили Муҳаммад Жавадга Афғонистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан 1 минг доллар миқдорида мукофот пули берилди.

Тошкент чинни заводи маъмурияти эса ҳар куннинг энг яхши боксчисини аниқлаб махсус рағбатлантирувчи соврин билан тақдирлаб борди.

ҒОЛИБЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ

46—48 килограмм

1. **Жамшид ХАИТОВ** (Ўзбекистон 3). Спорт устаси, Ўзбекистон чемпионати совриндори.

48—51 килограмм

1. **Ҳикматулла АҲМЕДОВ** (Ўзбекистон 1). Халқаро тоифадаги спорт устаси, 21 ёшда, бокс билан 10 йилдан буён шуғулланади, шу пайтгача 203 маротаба жанг ўтказиб 195 тасида ғалаба қозонган. Жаҳон чемпионати совриндори.

51—54 килограмм

1. **Ўйғун СИДДИҚОВ** (Ўзбекистон 1). Спорт устаси, 22 ёшда, бокс билан 9 йилдан буён шуғулланади, МДҲ чемпионати ғолиби, жаҳон биринчилиги иштирокчиси.

54—57 килограмм

1. **Муҳаммадқодир АБДУЛЛАЕВ** (Ўзбекистон 1). Спорт устаси, 20 ёшда, 7 йилдан буён бокс билан шуғулланади, 150 та жанг ўтказиб 145 тасида ютган, СССР чемпионатининг икки карра ғолиби, Улан-Баторда ўтказилган Халқаро турнирнинг кумуш медаль соҳиби.

57—60 килограмм

1. **Садир ТОШМАТОВ** (Ўзбекистон 3). Спорт устаси 23/10, 120/97, Ўзбекистон чемпиони, 1992, 1993 йилги республика биринчилиги совриндори.

60—63,5 килограмм

1. **Фарҳод БАКИРОВ** (Ўзбекистон 3). Спорт устаси, 21/10, 150/144. Ўзбекистон чемпиони.

63,5—67 килограмм

1. **Наримон ОТАЕВ** (Ўзбекистон 1). Спорт устаси, 22/10, 195/178, Ўзбекистон чемпиони — 1989 йил, 1992 йил. Чирчиқ шаҳар олимпия ўринбосарлари спорт мактаби ўқувчиси.

67—71 килограмм

1. **Икром БЕРДИЕВ** (Ўзбекистон). Спорт устаси, 19/8, 125/90, 1993 йилги Ўзбекистон чемпионати ғолиби.

71—75 килограмм

1. **Дилшод ЁРБЕКОВ** (Ўзбекистон 1). Спорт устаси, Ўзбекистон чемпиони.

75—81 килограмм

1. **Роман ПАНАРИН** (Ўзбекистон 1). Спорт устаси, 26/10, 87/73, Ўзбекистоннинг олти карра чемпиони.

81—91 килограмм

1. **Алишер АВЕЗБОЕВ** (Ўзбекистон 1). Спорт устаси, 22/8, 100/80, Ўзбекистон чемпиони.

91 килограммдан ортиқ

1. **Олег МАСКАЕВ** (Ўзбекистон). Спорт устаси, Ўзбекистон чемпиони, Халқаро турнирлар ғолиби.

«ОЛАМГА ДОВРУҒ СОЛИШСИН»

БОКС бўйича «Ўзбекистон мустақиллиги» Кубоги учун ўтказилган Халқаро турнир кунлари бош ҳакамлар ортида фахрий меҳмонлар учун ажратилган ўриндиқларда элимиз назарига тушган санъаткорлар — Ўзбекистон халқ артисти Эргаш ака Каримов ва у кишининг шогирдлари Набижон Собиржоновларнинг ҳар бир жангни беришлиб томоша қилаётганликлари, гоҳи-гоҳида боксчилар ҳақида ўзаро фикр алмашиб қўйётганликларининг гувоҳи бўлдик. Айниқса, Эргаш акани четдан кузатган одам бу инсоннинг спорт мусобақаларини томоша қилишдан ўзгача завқ олишининг шоҳиди бўлади. Шу пайтгача биз ҳар икки санъаткоримизни футболнинг ашаддий ишқибозлари сифатида биларди, лекин қўл жанги ҳам уларнинг кўнглига муҳаббат чўғи ташлаганидан бехабар эдик. Суҳбатимиз ҳам ўз-ўзидан шу мавзуга бориб тақалди.

◎ **Эргаш Каримов, Ўзбекистон халқ артисти:**

— Э, укажон, спорт, айниқса, футбол билан боксга қизиқиш бизга азалдан теккан касаллик. Ушбу турнирнинг финалини шахсан кўрай деб ҳозиргина Фарғонадан етиб келдим. Мана энди рингга чиқаётган ўзбек йигитларининг маҳоратига таҳсинлар ўқиб ўтирибмиз. Айниқса, Ўйғун Сиддиқов, Садир Тошматовнинг жанг олиб бориш услублари беҳад ёқди. Албатта, шундай йирик турнирда Куба, Европа қитъасининг кучли боксчилари ҳам иштирок этганда янада кескин, қизғиноқ бўларди, менимча. Шундай бўлсада йигитларимизни кўриб ўзимча мулоҳазаларга бориб ўтиргандим, ҳали шундай кунлар келадики, ўзбек боксчилари Куба бокс мактаби тарбияланувчилари каби оламга довруғ соладилар. Ўзим эса уларнинг муваффақиятларида қуёвим, бокс мураббийси Ҳасан Муҳамедовнинг ҳам хизмати борлигидан кўнглим тоғдай кўтарилиб ўтираман.

◎ **Набижон Собиржонов, Ўзбекистон телевидениесининг дастур режиссёри:**

— Тўғриси, спорт менинг ҳаётимга бевосита бўлмасада, билвосита таъсир ўтказиб келади. Айниқса, хоккей, бокс, футбол деса тинчимни йўқотаман. Мен Сергей Макаровдек машҳур хоккейчи билан дўст бўлганимдан, боксчимиз Руфат Рискиевнинг Кубадан жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиб Тошкентга қайтаётганида аэропортда шахсан кутиб олганимдан фахрланаман. Қани энди Руфатдек ёркин истеъдодлар кўпроқ чиқса. Турнирда республикамиз шарафини ҳимоя қилаётганларнинг аксарияти маҳаллий миллат вакилларидан экани ана шу умидимизнинг рўёбга чиқажак кунлари яқин эканини кўрсатиб турибди. Менимча, мана шундай турнирлар, мусобақаларни тез-тез ўтказиб туриш лозим. Чунки бугун рингга чиқаётган йигитларни пўлатдай тоблаш учун уларни турли шароитларда кўп бора синовдан ўтказиш, тажриба орттиришлари учун имкон яратиб бериш керак. Улар орасида келажакда юқори натижалар кутса арзийдиган боксчиларимиз бор.

Ҳакам навбатдаги жуфтликни рингга чорлади. Эргаш аканинг ҳам, Набижон аканинг ҳам бор диққатлари ана шу томошага қаратилди. Гарчи жавобсиз қолган саволларимиз кўп бўлсада халал бермаслик учун уларни холи қолдирдик.

◎ **Бокс бўйича «Ўзбекистон мустақиллиги» Кубоги учун ўтказилган Халқаро турнир ҳақидаги ҳисоботни «Тошкент оқшоми» спорт шарҳловчиси Шуҳрат ЗОКИРОВ тайёрлади.**

Муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Меҳрибон падари бузрукворимиз Ҳоким АСҚАРОВ!

Сизни биз, фарзандларингиз ва набираларингиз табаррук 70 ёшингиз билан чин қалбдан табриклаймиз!

Сиз умрингизнинг 45 йилини фан ва илм тараққиётига бахшида этдингиз. Қилган фидойи меҳнатларингиз «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвони билан тақдирланди.

Биз Сиздек отамиз борлигидан фахрланамиз, Сизга боқий умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Фарзандларингиз номидан: Одина АСҚАРОВА.
Набираларингиз Комила, Шаҳло.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ОМАДЛИ БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

ҚОРХОНА, ТАШКИЛОТЛАР ВА БАРЧА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Агар Сизга омад кулиб боқишини истасангиз ёки камёб буюмлар эгаси бўлишни истасангиз ҳали кеч эмас. Бундай имкониятга эга бўлишингиз мумкин. Фақат «ҲОТАМТОЙ XXI АСР» фирмасининг Ўзбекистон республикаси «НАВРЎЗ» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида чиқарган

«МЕҲРИБОНЛИК» пул-буюм лотереясидан бир нечтасини сотиб олсангиз кифоя.

«МЕҲРИБОНЛИК» лотереяси билетлари пойтахтнинг барча жамғарма банклари, бўлим ва шохобчаларида сотиляпти.

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШГА ШОШИЛИНГ!

«МЕҲРИБОНЛИК» лотереясининг ютуқлар тиражи 1993 йил 31 октябрь куни Тошкент шаҳрида ўтказилади: Ушбу ўйинда 5 та 5 миллион сўмлик, 10 та 3 миллион сўмлик, 20 та 1 миллион сўмлик ва 25 та 500 минг сўмлик ютуқлар бор!

БАРЧАНГИЗГА ОМАД ЁР БЎЛСИН!

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ «МОЛИЯЧИ» ФИРМАСИ

6-ОЙЛИК ПУЛЛИК (тест синовларига) ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқув дарслари математика, чет тиллари ва она тили бўйича олиб борилади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида — ДУШАНБА, СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ҳамда ЖУМА кунлари ўтказилади.

ДАРСЛАР 1993 ИЙЛ 1 НОЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Барча саволлар билан институт ўқув бўлимига мурожаат этишингиз мумкин.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 16.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Хусниддин Асомов кўчаси (илгариги София проспекти), 7-уй. Тошкент Молия институти.

Телефонлар: 34-72-92, 34-49-52.

КОРХОНА Тошкент шаҳридаги омбордан чет элда ишлаб чиқарилган юксак сифатли автосервис ва ташхисни аниқлаш ускуналарини **СОТАДИ:**

— мувозанатлаш дастгоҳи,
— автосервис учун махсус асбоб,
— гилдиракларнинг жойлашувини ростловчи кўтаргичсиз стенд,
— шиналарни ўрнатиш ва бўшатиб олиш мосламаси,
— двигатель ишини текшириш мосламаси,
— микропроцессорли автотестер,
— СО, СНни аниқлаш.

Ҳақ тўлаш усули—турлича.
Олдиндан 100 фоиз ҳақ тўлаш шарти билан Тошкентдан буюртмачининг ўзи олиб кетади.

Манзилимиз: 700099, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 118-уй, 607-хона. Телефонлар: 34-25-81, 34-66-44.

ДИҚҚАТ!

Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси қошидаги

«АҚБАР» ФИРМАСИ

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Цеховая кўчаси, 32-уй.

ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАР

5 хонали участкани, 8 сотиҳ ҳовлиси бор, метро йўналишида жойлашган 5 хонали квартирага алмаштираман. Телефонлар: 43-39-43, 62-73-79.

* * *

Зарарли ҳашаротлардан қутулишни истаганлар 68-65-52 телефони бўйича қўнғироқ қилсинлар.

* * *

Болаларнинг тўйимли «Ньютрикэр спешиал» қоришмасини ҳар қандай баҳода сотиб оламан. Телефон: 97-95-56.

* * *

44-ўрта мактаб томонидан Алишер Содиқович Абдиқодиров номига берилган Д-407095 сонли йўқолган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат бекор қилинади.

* * *

Корхона катта ҳовли ва хоналарни ижарага беради, ёки ҳамкорликда ишлайди. Телефонлар: 40-55-72, 34-13-35.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги республика радиоэшиттириш, радиоалоқа ва телекўрсатув ишлаб ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент радиомарказ жамоаси радиомарказнинг собиқ ходими **Ботир Тўлаганович МУМИНОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент оқшоми

МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 000101.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Офсет. Қоғоз бичими А—2
Нашр кўрсаткичи 64690.

■ Босмага бериш вақти 11.30 ■ Босмага берилди 11.30.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Буюртма Г—588. 17.229 нусхада.